



# MILLIY TIKLANISH

29 (298) 2014 йил 30 июль, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Фарзандлар таълим-тарбияси ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўйинчоқларнинг аҳамияти бекиёс. Партиянинг сайловолди дастурида халқимизнинг маънавий кадрларини асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга бус-бутун етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган



Давлат ҳокимияти бошқа органларнинг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатида Марказий сайлов комиссиясининг мақоми конституциявий мустаҳкамлангани демократик сайловни таъминлашнинг муҳим кафолатидир



Жаҳон чемпионатида биз буюк алломаларга бешик бўлган юрт фарзандлари эканлигини, ҳеч кимдан кам бўлмай улар изидан боришимизни исботлашни мақсад қилгандик ва бу эзгу мақсадимизга етишганимиздан хурсандмиз



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

8 КЎЗГУ



## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Минтақавий семинар



### Сайлов — халқ хоҳиши

одамларни мақсад ва гоғлар атрофида бирлаштириш эса партиянинг бош мақсади

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланиб, халқнинг хоҳиши-иродасини ифода этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларининг хоҳиши-иродаси, кайфияти ва олиб борилаётган ислохотларга нисбатан муносабати сайловларда яққол намоён бўлади. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик тамойилларга мос сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Парламент палаталарининг кўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг янги bosқичини бошлаб берди. Сиёсий

партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши, сайлов ҳуқуқларини тўла амалга оширувчи вазифалари янада такомиллаштирилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган минтақавий семинар мамлакатимиз сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари, унинг ҳуқуқий асосларини ўрганишга бағишланди. "Ўзбекистонда сайлов тизими ва

унинг ҳуқуқий асослари" мавзусидаги семинарда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоят Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, мутахассислар, партия экспертлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2-бет

Фракция ҳаёти

### Демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асослари

қизгин муҳокамаларда янада такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Йиғилишда фракция аъзолари дастлаб Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан киритилган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Таъкидлаш жоизки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлди. Мазкур Концепцияда ҳамда яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси ўз мазмун-мо-



ҳияти ва аҳамияти билан ниҳоятда муҳим эканлиги муҳокамалар чоғида алоҳида эътироф этилди.

4-бет

Электорат минбари

### Аниқ ва мақсадли амалий ишлар

партия нуфузини юксалтириш кафолати

Хунармандчиликнинг зардўзлик йўналишида фаолият олиб борамиз. Мустақиллигимиз ва юртимизда хунармандларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида яхши ният билан бошлаган ишимиз оилавий тадбиркорликка айланди.

тури билан яқиндан танишиш имкони пайдо бўлди. Ана шундан кейин бу партия менинг мақсад ва орзуларимга ҳамроҳ эканлиги англаб етдим ва унинг номзодиға овоз бердим. Партия билан шундан буён яқинман, бирга ишляпмиз, десам хато бўлмайди. Кўпчиликнинг хабари бор, партиянинг банклар билан ҳамкорликдаги хунармандлар фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси бугун юртимизнинг барча ҳудудларида амалга ошириб келинмоқда. Юзлаб уста-хунармандлар мазкур лойиҳа воситасида имтиёзли кредитларга эга бўлиб, ўз фаолиятини янада кенгайтиришга муваффақ бўлишарди. Мен ҳам ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси орқали банкдан 4 миллион сўм кредит олиш ҳисобига зардўзлик фаолиятини янада кенгайтириб, халққа хизмат қилиб келяпман. Айни пайтда зардўзлик маҳсулотлари тайёрловчи корхонамизда 10 нафар ёш

иш билан таъминланган, 50 нафардан ортик хотин-қизларга хунармандчиликни ўргатиб келяпман. Кўриниб турибдики, ЎзМТДП миллий хунармандчиликни ривожлантириш, "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириш борасида сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириб, электорат манфаатларини таъминлашга интиломоқда. Мен "Миллий тикланиш" демократик партияси бундан кейин ҳам ўз электорати манфаатларини қатъий ҳимоя қилишига, янги сайловолди Платформасида хунармандларни қўллаб-қувватлаш борасида бошланган ва амалга оширилаётган мақсад ҳамда вазифаларини янги bosқичга кўтаришига ишонаман.

Нилуфар АБДУЛЛАЕВА, Республика "Хунарманд" уюшмаси Когон шаҳар бўлими раҳбари

Қонун лойиҳаси муҳокамада

### Электоратимиз манфаатлари

қабул қилинаётган қонунларда акс этаётими?

— Давлатимиз раҳбарининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизгин муҳокама қилинмоқда. - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов.

4-бет

Эътироф

### Миллий гурур, ифтихор ва кувонч нашидаси

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармониға мувофиқ, халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш, ўзбек футболнинг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро топ-фадаги ҳаками, ФИФА рефериси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси Равшан Эрматов "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланди.

8-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Минтақавий семинар



Сайлов — халқ хоҳиши

одамларни мақсад ва гоғлар атрофида бирлаштириш эса партиянинг бош мақсади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Минтақавий семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов "Мамлакатимизда сайлов қончилигининг такомиллашуви: ЎзМТДПнинг қонунчилик ташаббуслари" мавзусида маъруза қилди. Маърузада "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Конституциямининг айрим моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда сайлов тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

— Сайловлар халқнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қончилиги ва унинг норматив-ҳуқуқий негизи шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қаролатилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролик сайлов ҳуқуқларининг қаролатилари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижор ташкилотлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қончилигини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг фаоллигини янада кучайтириш, уларга кенг шароитлар яратишда, кўппартиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим асос бўлмоқда. Партиямининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ҳам "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаси ташаббус сифатида киритилиб, қабул қилинди.

Мамлакатда демократик тамойилларнинг қарор топгани, аввало, сайлов тизими қанчалик ривожлангани билан ўлчанади. Шу боис юртимизда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштириб борилмоқда. Мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли ўрта-

сида кенг тарғиб қилиш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Бу уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясининг шаклланишига хизмат қилади. Бугунги семинар ҳам ана шу мақсадларга қаратилган билан аҳамиятлидир, — деди пировардида партия раҳбари.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоевнинг "Сайлов жараёнида партиялараро рақобат. Гоғлар ва дастурлар кураши" мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузада кўйидаги муҳим масалалар алоҳида эътироф этилди:

— Бир ҳақиқат аёнки, ҳаёт доимо ривожланиб бориши барибарабора сиёсий жараёнлар рақобати билан боғлиқ бўлади. Демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимининг такомиллашиб боришини ҳам бугунги даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Шу жihatдан, сайловлар барча сиёсий партиялардан пухта ҳозирлик талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан сайловларга тайёрларлик кўриш, номзодлар захирасини шакллантириш, партиянинг сайловолди Платформасини ишлаб чиқиш бора-сида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошланғич ташкилотлардан Марказий Кенгашгача бўлган доирада қизгин баҳс-мунозаралар, фикр-алмашинувлар олиб борилмоқда. Мазкур учрашувларда партия фаолларининг аниқ ва мақсадли тақлиф ва мулоҳазалари ЎзМТДПнинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Семинар якунида кун тартибидеги барча масалалар юзасидан билдирилган конструктив фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва фикр-алмашинувлар билан "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди.

Эркин САПАЕВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:

— Сайловларда муносиб иштирок этиш изчил изланиш, ҳаракат ва фаоллиқни талаб этиши билан бирга сайлов қончилигини янада яқши рақобор бўлиш, уни ҳаётга татбиқ этиш ва партияларга яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш билан баҳоланади. Бугунги семинарда сайлов қончилигига киритилган ўзгаришлар, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш механизмлари, "сайловолди ташвиқоти" тушунчаси, унинг таърифи ҳамда шартлари ҳақида кенгроқ маълумотларга эга бўлди. Сайловчиларнинг сиёсий хайрихоҳлигини аниқлашга оид билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳам нихоятда аҳамиятли бўлди.

Туроп РАҲМОНОВ, ЎзМТДП Ургут туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Партия ташкилотларининг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, ЎзМТДП гоғаси, дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш, сайловга оид қонунчилик асослари билан таништириш ҳамда барча даражадаги партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган минтақавий семинарда олган билимларимиз сайловлардаги фаолиятимиз самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини сайлов округлари ва участкалари фаолиятининг ошқора ва қонунийлигини таъминлашга доир билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу ўз навбатида, сайловдан-сайловга электроратнинг сиёсий саводхонлиги ошиб бораётганидан дарак беради.

сияси аъзоси Олимжон Ақилонининг "Сайлов компанияси даврида қонун устуворлиги, партия кузатувчиси ва номзодларнинг ваколатли ҳамда ишончли вакиллари ҳақида"ги мавзусидаги маърузасида сайлов кампаниясининг муҳим босқичи бўлган сайловолди ташвиқоти, сайловларда иштирок этадиган кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакилларнинг вазифалари, овоз бериш тартиб-қоидалари ўз аксини топди. Таъкидланганидек, сайлов йилида партия электорати билан ишлаш, партия манфаатини ҳимоя қила оладиган аъзолар сонини кўпайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратиш ҳамда фаол аъзолар орасида сайлов жараёнида партия томонидан кўрсатилган номзодларни ҳимоя қила оладиган кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакиллари саралаб олиш лозим.

Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловлар барча сиёсий партиялардан пухта ҳозирлик талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан сайловларга тайёрларлик кўриш, номзодлар захирасини шакллантириш, партиянинг сайловолди Платформасини ишлаб чиқиш бора-сида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошланғич ташкилотлардан Марказий Кенгашгача бўлган доирада қизгин баҳс-мунозаралар, фикр-алмашинувлар олиб борилмоқда. Мазкур учрашувларда партия фаолларининг аниқ ва мақсадли тақлиф ва мулоҳазалари ЎзМТДПнинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Семинар якунида кун тартибидеги барча масалалар юзасидан билдирилган конструктив фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва фикр-алмашинувлар билан "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди.

Шоҳида ДАМАНОВА, Ориф ХОЛИКУЛОВ, "Milliy tiklanish" муҳбирлари

Ҳамкорлик

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах ҳудудий бўлимида ҳамкорлигида "Сайловларда сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Жиззах вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах ҳудудий бўлими мутахассислари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Файрат Қодиров кўриш сузи билан очди.

— Муҳим сиёсий синов — сайловларга тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Сайловларда ўз номзодларига овоз берадиган барқарор электоратни шакллантириш, тарафдорлари сонини кўпайтириш ва ижтимоий қатлами мустаҳкамлаш орқали вакиллик органларидан кўпчилик ўринини эгаллаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" де-

Бугунги саъй-ҳаракатлар

эртанги натижалар кафолати

мократик партиясининг асосий мақсади саналади. Бу мақсадга эришиш учун партияимиз етарли куч ва салоҳиятга эга. Олдимиздаги вазифа эса яратилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳамда ижобий натижага эришишдир. Мазкур семинар-тренинг сайлов жараёнида зарур бўладиган билим ва малакани янада ошириш, тажрибаларни пухта ўзлаштириш, учрайдиган муаммолар ечимини топишда ўзига хос ўрин тутди.

Семинар-тренинг сайлов жараёнида сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакилининг иштироки ҳамда улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот бериш, жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига пухта ҳозирлик кўриш, бунда партия ташкилотларининг тайёрларлигини янада кучайтириш масалаларига қаратилди. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз сайлов қончилигида сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакили фаолиятига оид белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомларнинг мазмун-моҳияти,

сайлов участкасига кузатувчи ва ваколатли вакиллари бириктириш тартиби, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида улар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ҳар бир партия ходими ҳамда депутатликка номзодлар чуқур билиши сайловнинг демократик, ошқоралик принциплари асосида ўтишини таъминлашнинг муҳим омилдир. Семинар-тренингда мавзунинг ушбу жиҳатлари қизгин муҳокама қилинди. Сиёсий партияларнинг кузатувчиси ва ваколатли вакиллари учун номзодлар захирасини шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари ҳамда уларга қўйиладиган талаб ва мезонлар ҳам иштирокчилар эътиборидаги асосий мавзулардан бири бўлди.

Тадбирда "Сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакилининг сайлов жараёнидаги иштироки: ҳуқуқ ва мажбуриятлари, таҳлил натижалари, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах ҳудудий бўлими катта мутахассиси Элдор Жабборов, "ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгашининг 2014 йилдаги сайловларга кузатувчи ва ваколатли вакиллари тайёрлаш борасидаги амалий ишлари" ҳақида партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Сардор Расуловнинг маърузалари тингланди.

— Айтиш лозимки, сайлов ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқларимизнинг асосийларидан бири. Жамиятда демократияни қарор топтириш механизми ҳам айнан сайлов ҳуқуқи орқали амалга оширилади, — деди С.Расулов. — Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг самарали фаолият юритиши учун кенг имкониятлар очиб берилди, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Кўппартиявийлик тамойилига асосланган сайлов тизими яратилди. Сайлов ўзига ҳос рақобат ва кураш палласи саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП Жиззах вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари томонидан сайловга тайёрларлик ишлари қизгин олиб борилмоқда. Бу каби тадбирлар орқали партия тизимини фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малака ва кўникмалари янада мустаҳкамланмоқда.

Семинар-тренингда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда кузатувчи, ваколатли вакил, худудий партия ташкилотлари ва сайлов комиссияларининг сайлов жараёнидаги фаолияти бўйича тақдимот ўтказдилар. Якунда натижалар баҳоланиб, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилноза ХАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Депутатлик сўровлари

Фуқаролар мурожаати

депутатлар томонидан алоҳида эътиборга олинмоқда



Депутатлик сўровлари жамиятининг турли соҳаларини ривожлантириш, қуновлик турмушимиздаги айрим масалаларни ечим топишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хурусан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан ҳам фуқаролар мурожаатларига алоҳида аҳамият қаратилиб, улар асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритилмоқда.

Жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар партия гуруҳи томонидан фуқаролар мурожаати асосида 26 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, уларнинг 21 таси ижобий ҳал этилган. Эътироф этиш жоизки, мазкур саъй-ҳаракатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг маънавий-маърифий тафаккурини бойитиш, асрлар силсиласида товланган ўзгаришларни асраб-авайлашга хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ЖўРАЕВ, Республика "Хунарманд" унинг асосида

— Хунармандчилик фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида зарур хом ашё ва асбоб-ускуналар харид қилиш учун имтиёзли кредит олишни режалаштирдик ва жорий йилнинг февраль ойида халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳига мурожаат қилдик. Мурожаатимиз инобатга олинди, худудимизда фаолият юритаётган банклар томонидан 2014 йилда режалаштирилган имтиёзли кредит ставкалари бўйича маълумот беришини сўраб, Республика Марказий банки Самарқанд вилоят бош башқармасига депутатлик сўрови юборилди. Бунга жавобан, бошқарма томонидан имтиёзли микролизинг бўйича кичик бизнес субъектлари, жумладан, хунармандларга кўрсатиладиган хизматлар юзасидан афрофлича тушунтиришлар берилди. Шу асосда оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун микрокредит олишга муваффақ бўлдик. Натижада мазкур маблағлар эва-

зига фаолиятимизни янада кенгайтириб, маҳсулотларимиз турини кўпайтиряпмиз.

Мустафо СИРЛИБОВЕВ, Қўшработ туман тиббий ётириш бўлими раҳбари:

— Мамлакатимизда аҳоли саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ана шундай амалий саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди. Таъкидлаш жоизки, она ва бола саломатлигини асраш, ёш авлодни турли касалликлардан ҳимоялашда тиббиёт масканларида зарур асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш" Саломатлик — 3" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида шифо масканимизнинг керакли тиббий аппаратлар билан таъминланаётганидан жуда мамнунмиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолиги алоҳида эътиборга молик. Жумладан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нормўмин Усмонов юқоридаги қарор асосида бирлашмаимизнинг тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашида депутатлик нозоратини ўрнатди, мазкур саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилишига ўз ҳиссасини қўшди. Эндилкида туманимиз аҳоли-

си замонавий тиббий аппаратлардан фойдаланиб, саломатликларини янада мустаҳкамлаши мумкин. Айниқса, аёллар, болалар бўлимига ўрнатилган ускуналар соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Нафиса МУСТАФОЕВА, Жомбой туманидаги почта алоқа тармоғи ходимаси:

— Бугун транспорт воситаларидан инсонларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга реклама воситаси сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Шу боис охириги пайтда вилоятимиздаги баъзи автомашиналарда беҳаё суратлар ва ножоиз ёзувлар кўзга ташланаётгани бизни ташвишлантира бошлади. Мазкур ҳолатни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Анвар Мирзаевга оғзаки мурожаат қилдик. У фикримизни инобатга олиб, дарҳол вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига мазкур масала юзасидан депутатлик сўрови киритди. Натижада юқоридаги ҳолатлар кузатиладиган автомашина ҳайдовчилари билан суҳбатлар ўтказилиб, транспорт воситаларидан турли ёзув ва ножоиз суратлар олдириб ташланди. Бир қарашда оддийгина туолган бу ҳолат, кишилар, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онига салбий таъсир кўрсатишидан кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда айтиш жоизки, миллат тафаккури, дунёқарашини азалий кадрятларимиз асосида бойитишга интилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда ундан сайланган депутатларнинг бу каби саъй-ҳаракатлари алоҳида диққатга сазовор. Уларнинг жамият тақдирига эътибори, ўз дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишдаги фаоллигини кўриб, ЎзМТДПга аъзо бўлишни ният қилдим.

- Партия гуруҳи томонидан 26 та депутатлик сўрови амалга оширилди.
- Депутатлик сўровларининг 21 таси ижобий ҳал этилди.
- Ножоиз ёзув ва суратлар олиб ташланди.

Мухтасар айтганда, партияимиздан сайланган депутатларнинг ҳар бир саъй-ҳаракати ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга, электрорат манфаати ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу ўринда бир мулоҳаза: Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган ҳар бир депутат ўз зиммасидаги масъулият ҳамда халқ ишончлини ёдда тутиб, фаоллик кўрсатса, юқоридаги каби ижобий натижалар янада кўпайган бўларди. Зеро, партия нуфузини бир-икки нафар фаоллар эмас, барча депутатлар бирдек кўтаришга интилиши лозим.

Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Партия дастури — амалда

## Миллий ўйинчоқлар

Ўзлимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни акс эттирсин



**Бола дунёсини ўйинчоқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўйинчоқ бола учун қизиқарли буюм бўлиши билан бирга уни кундалик ҳаётга яқинлаштиришда тенгсиз воситадир. Болаларни соғлом фикрли қилиб тарбиялаш, уларнинг мурғак қалбиди, айниқса, миллий анъана ва қадриятларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантиришда ўйинчоқларнинг аҳамияти беқиёс.**

Гулистон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ҳафиза Юлчиева. — Аммо хориждан кириб келётган "Барби", "Шрек", "Пакемон", "Ўргимчак одам" каби кўғирчоқ, робот ва трансформерлар болалар кўнглини забт этаётгани, уларда ҳавас уйғотаётгани сир эмас. Айтайлик, ҳар кун сеvimли "Барби" билан ўйнайдиган қизалоқ зид бўлган турли ўйинчоқлар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқдаки, бу ҳар бир инсонни, айниқса, ота-оналарни сергак бўлишга ундайди. Зеро, фарзандларимизнинг келажақ орауларини уларнинг бугун ўйнаётган ўйинчоқлари воситасида яралади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажақда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўтгани билан белгиланади". Табиий матолардан ясалган, сочларини майда ўриб, дўппи кийиб олган, кулиб турган юзлариди ўзбекона лутф уфуриб турган, қўл меҳнати асосида юксак маҳорат, нозик дид ва меҳр билан тайёрланган миллий либосдаги кўғирчоқларимиз хориждан келтирилётган ўйинчоқлардан асло кам эмас.

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси Гулистон туман Кенгаши ташаббуси билан туман Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган "Миллий ўйинчоқларда миллий қадриятлар руҳи" деб номланган фестивалда шу хусусида сўз борди.

Фарзандлар таълим-тарбияси ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўйинчоқларнинг аҳамияти беқиёс. Партияимизнинг сайловолди дастурида халқимизнинг маънавий қадриятларини асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга бусбун етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бугунги фестивалдан кўзланган асосий мақсад келажақ ворисларимизга миллий қадрият ва анъаналаримизни янада чуқурроқ сингдириш ҳамда улар қалбиди миллий гуруру туйғусини уйғотишдир.

Эътироф этиш жоизки, миллий ўйинчоқлар кўғирчоқсиз уста ва хунармандларнинг қалб кўри, меҳнати махсули сифатида юзага келади. Улар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар ташаббусий хом ашё — лой, ёғоч, тери,

дарахт пўстлогидан тайёрланганлиги боис экологик жиҳатдан тоза ва хавфсиз ҳисобланади. Бугунги кунда миллий менталитетимиз ва урф-одатларимизга зид бўлган турли ўйинчоқлар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқдаки, бу ҳар бир инсонни, айниқса, ота-оналарни сергак бўлишга ундайди. Зеро, фарзандларимизнинг келажақ орауларини уларнинг бугун ўйнаётган ўйинчоқлари воситасида яралади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажақда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўтгани билан белгиланади". Табиий матолардан ясалган, сочларини майда ўриб, дўппи кийиб олган, кулиб турган юзлариди ўзбекона лутф уфуриб турган, қўл меҳнати асосида юксак маҳорат, нозик дид ва меҳр билан тайёрланган миллий либосдаги кўғирчоқларимиз хориждан келтирилётган ўйинчоқлардан асло кам эмас.

Фарзандларимизни юксак маънавиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялашда кўғирчоқлар муҳим аҳамиятга эга, — деди тадбирда сўзга чиққан партия

### Гулнора МАДАСИМОВА, кўғирчоқсиз уста:

— Кўғирчоқларни ясаётганимда, аввало, унинг ҳамма нарсага иштиёқ билан қарайдиган болаларнинг қизиқиши ва ҳиссиётига мос келиши, саломатлигига салбий таъсир кўрсатмаслигига эътибор бераман. Алоҳида эътибор, бадий маҳорат билан яратилган кўғирчоқлар болаларда эстетик дид, гўзалликка меҳр туйғуларини тарбиялайди. Шу ўринда кўғирчоқнинг ташқи қиёфаси ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини айтаётган бўлсам, Табиий матолар, ҳамир, қоғоздан тайёрланган эртак қаҳрамонлари, тарихий шахслар, ўзбек қизлари сиймоси тасвирланган кўғирчоқларимизнинг юз-қўзлари, либосларида доимо миллийлигимизни акс эттиришга ҳаракат қиламан. Машҳур кўғирчоқсиз ва кўғирчоқсиз устозларимиз айтганидек, кўғирчоқлар шунчаки ўйинчоқ эмас! "Кўғирчоқ ўйинлари"га шунчаки "кўнгли очиб" деб эмас, тарихимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ажралмас бир қисми, катта тарбиявий аҳамиятга эга восита деб қараладиган вақт аллақачон етиб келди. Фикримча, бу каби тадбирлар орқали ўсиб келётган ёш авлод ўз тарихи, урф-одат ва қадриятлари билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлиш билан бирга, уларга нисбатан меҳр-муҳаббатни ошириш шубҳасиз.

### Нилуфар ЭРҒАШЕВА, ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби

— Фарзандлар таълим-тарбияси ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўйинчоқларнинг аҳамияти беқиёс. Партияимизнинг сайловолди дастурида халқимизнинг маънавий қадриятларини асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга бусбун етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бугунги фестивалдан кўзланган асосий мақсад келажақ ворисларимизга миллий қадрият ва анъаналаримизни янада чуқурроқ сингдириш ҳамда улар қалбиди миллий гуруру туйғусини уйғотишдир.

Эътироф этиш жоизки, миллий ўйинчоқлар кўғирчоқсиз уста ва хунармандларнинг қалб кўри, меҳнати махсули сифатида юзага келади. Улар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар ташаббусий хом ашё — лой, ёғоч, тери,

дарахт пўстлогидан тайёрланганлиги боис экологик жиҳатдан тоза ва хавфсиз ҳисобланади. Бугунги кунда миллий менталитетимиз ва урф-одатларимизга зид бўлган турли ўйинчоқлар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқдаки, бу ҳар бир инсонни, айниқса, ота-оналарни сергак бўлишга ундайди. Зеро, фарзандларимизнинг келажақ орауларини уларнинг бугун ўйнаётган ўйинчоқлари воситасида яралади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажақда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўтгани билан белгиланади". Табиий матолардан ясалган, сочларини майда ўриб, дўппи кийиб олган, кулиб турган юзлариди ўзбекона лутф уфуриб турган, қўл меҳнати асосида юксак маҳорат, нозик дид ва меҳр билан тайёрланган миллий либосдаги кўғирчоқларимиз хориждан келтирилётган ўйинчоқлардан асло кам эмас.

Фарзандларимизни юксак маънавиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялашда кўғирчоқлар муҳим аҳамиятга эга, — деди тадбирда сўзга чиққан партия

### Интервью

— **Муҳим сиёсий жараён — сайловлар олдидан, одатда, ҳар бир партиянинг фаолияти сарҳисоб қилинади. Шу нуқтаи назардан, дастлаб Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва голяри тарғиботи ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастури юзасидан партия вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Муҳим тарғиботиимизнинг ўтган ҳар бир даври фуқаролар онгушурида, тафаккурида уларни янгилаш ва ўзгаришларга йўл очди. Бугунги замон кишиси теран фикрга эга, билимли ва кенг дунёқараш эгаси. Соҳаларда кечаётган изчил ислохотлар эса аҳолининг ижтимоий фаолигини ошириб, юрtdошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ташаббускор, интилувчан ҳамда энг муҳими, қалбан уйғоқ бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан 8 та туман ва 2 та шаҳар Кенгаши, 12 минг 54 нафар аъзо ва 445 та бошланғич партия ташкилотига эга бўлган ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам ўз фаолиятини янада такомиллаштириш ва кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислох этишининг ҳозирги босқичида зимманимизга фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада ошириш, уларнинг сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партия сафини фаол ва ташаббускор фуқаролар ҳисобига кенгайтириш ҳамда тарғибот тадбирларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришдек устувор вазифалар юкланмоқда. Бу борада партияимиз фаоллари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги, қўвонарли, албатта.

## Ютуқлар ўзимизники

камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим

### ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Лочин ОБЛОҚУЛОВ билан сўхбат

ришида ва аъзолар сафининг кенгайишида жойларда ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш ва ўзига ҳосилгини таъминлаш доимий диққат эътиборимизда. Жорий йилда ўтказилаётган тадбирларнинг сонига эмас, уларнинг самарадорлигига кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз. Тарғибот ишларига кўпроқ нотижлиқ маҳорати эга, партияимизнинг мақсад ва вазифаларидан яқин хабардор бўлган мутахассислар, Олий Махлис Кунунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган депутатлар мунтазам жалб этилиб, улар томонидан таъсирчан, халқчил ва тахлилларга бой маърузалар тақдим этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли мавзуларда 300 га яқин тадбир ташкил этилиб, асосий эътибор маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалаларга қаратилди. Бу борада партия Навбахор туман Кенгаши 50 та, Қизилтепа тумани 43 та, Навоий шаҳар Кенгаши 35 та тадбир ташкил этиб фаоллик кўрсатган бўлса, партия Конимех, Томди ва Хатирчи туман Кенгашларида бу борада суст-кашликка йўл қўйилмоқда.

"Соғлом бола йили" муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида белгиланган вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида кўрсатилган ҳар томонлама юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли комил ва баркамол инсонни тарбиялаш, она-

лик ва болалиқни ҳимоя қилиш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш каби дастурий вазифалар ижросини таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тарғибот тадбирларини ноанъанавий, таъсирчан тарзда ташкил этишга ҳаракат қилаялмиш. Хусусан, "Соғлом оила — соғлом фарзанд — соғлом келажақ", "Мустаҳкам оила — ёруғ келажақ гарови", "Замонавий оиланинг шаклланишида миллий, оилавий анъаналар ва маданий қадриятларнинг ўрни", "Оналар ва болалар саломатлиги — давлат химоясида", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида", "Миллий кунунчилигимизда оналик ва болалиқни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари", "Оила мустаҳкамлиги ҳамда ёш авлод тарбиясида аёллар ва маҳалланинг ўрни" каби тадбирлар шулар жумласидандир.

— **Маълумки, партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия гуруҳлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг ҳамкорлиқдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислох этишининг ҳозирги босқичида уларнинг фаолиятини қониқарли, деярли осонлаштириш?**

— Ҳар бир сиёсий партия ўз мафқураси, сайловолди Платформаси ва фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратган экан, албатта, бу борада партия гуруҳлари ҳамда кўйи бўлинлар салоҳиятига таянади. Партия гуруҳлари ҳамда кўйи бўлинларнинг мустаҳкам

ҳамкорлиги самараси ўлароқ аниқ ташаббуслар илгари сурилиб, улар ўз натижасини бериб келмоқда. Жумладан, Хатирчи туманидаги "Галабек" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаоллари ташаббуси билан худуддаги коллеж битирувчиларининг 30 нафари ишга joyлаштирилди. Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган кўйи бўлин ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган танловда "Энг яқин бошланғич партия ташкилоти" номинациясида голиб деб топилди. Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида партия гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари ва доимий комиссиялар кун тартибига 10 та ташаббус-масала ва 6 та тақлиф киритилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бунинг тўғрисида партия кесимида тахлил қиладиган бўлсак, юқорида кайт этилган ташаббус-масалалар Навбахор, Навоий, Нурота, Қизилтепа, Учқудук туман Кенгашидаги партия гуруҳларимизнинг фаолиги натижасидир. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолини уйлантириб келаятган айрим масалаларни бартараф этиш мақсадида депутатларимиз томонидан ўтган йил давомида 174 та депутатлик сўрови амалга оширилди. Шунингдек, партия гуруҳлари ташаббуси билан 34 та тақлиф дои-

### Хроника

## Истиқлолнинг зафарли одимлари

партия ҳудудий ташкилотларида ўтказилаётган тадбирларда бот-бот эътироф этилмоқда

### КОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎзМТДП Беруний туман Кенгаши томонидан "Тинчлик — улуг неъматдир" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ҳар биримизни истиқлолнинг қадри, унга эришиш учун кечган қурашлар, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли йўл, амалга оширилган изчил ислохотлар мағзини чақишга ундайди, — деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши раиси А.Ешимбетов. — Йиллар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуг неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини янада чуқурроқ англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётгани, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, тараққиётга ҳисса қўшмоғимиз лозим эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Аъназага кўра, ҳар йили энг улуг, энг азиз байрамимизни муносиб шиор остида нишонлаймиш, — деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши етакчи мутахассиси Шохрух Жабборов. — Мустақиллигимизнинг йиғирма уч йиллигини муносиб нишонлаш учун "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори асосий гоё сифатида белгиланди. Мустақил диёримиз ҳар биримиз учун ягона ва муқаддас. Ўтган 23 йил мобайнида мамлакатимиз асрларга таътигулик улкан тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Тарихан жуда қисқа фурсатда мамлакатимиз ҳақон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллади. Давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, жумладан, биз ёшлар мустақиллигини мустаҳкамлаш бор куч-гайратимизни сафарбар этмоғимиз лозим.

Ёшларнинг Ватан мадҳини улугловчи шеър, куй-кўшиқлари кечага ўзгача шуқуқ бағишлади.

### ЖИЗЗАХ

— Ҳар бир халқнинг урф-одати, яшаш шартини, миллий қадриятларига мос ва хос бўлган байрамлари бор, — деди ЎзМТДП Пахтакор туман Кенгаши томонидан "Истиқлолнинг зафарли одимлари" мавзусида ўтқа-

зилган тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши раиси Убайдулла Низомов. — Лекин булар орасида шундай бир улуг байрам борки, бевосита миллатнинг мустақиллиги билан боғлиқ. Мустақиллик байрамимиз халқимизнинг эркинлигини, Ватанга бўлган миллий шаън ва ифтихоримизни ифода этади, шунинг учун бу байрам ҳар биримиз учун энг азиз, энг улуг ҳисобланади. Она Ватанимизнинг бой ўтмиши ҳам, равақ топаётган бугунги ҳам, порлоқ келажаги ҳам ҳар қанча фахр-ифтихорга лойиқ. Шундай экан, шонли истиқлол барчамизнинг бахтимиз, саодатимиз бўлиб қолаверди.

Партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари бу каби маънавий-маърифий тадбирларни вилоятнинг чекка туманларида ҳам ўтказиш лозимлигини таъкидлашди.

### БУХОРО

Мустақиллик йилларида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаб, келажақ авлодга бекаму кўст етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда унутилиб бораётган халқ озғаси ижоди намуналари, анъана ва урф-одатлар, миллий ўйинлар қайта тикланаётган. Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси томонидан ташкил этилаётган "Миллий халқ ўйинлари" фестивали халқимизнинг миллий қадриятлари бўлган маънавий, маданий бойликларимизни тиклашга кўмаклашишда муҳим кадам бўлиши шубҳасиз.

— Юртимизда қадимдан тўй-томоша, байрам ва сайлар халқ ўйинлари билан янада файзли ўтган, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари М.Қурбонова. — Хусусан, энг оммавий бўлган миллий ўйинлардан улоқ-кўпқари ҳамда кураш тўйи ва байрамларнинг сеvimли томошасига айланган. Таъкидлаш жоизки, халқ ўйинлари кишига ўзгача хушнудлик улашади, инсон руҳини юксалтиради, миллий гуруру ва ифтихор туйғусини уйғотади. У, айниқса, ёшларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожланишида, кучли, қаҳқон, топқур, фаросатли, мард инсонлар бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг ўзлигини акс эттирувчи урф-одат ва маросимларимиз қадимий маданиятимизнинг гуааллигини намоеён этувчи ўзига хос кўзгулар.

Бир гуруҳ ёш йигит-қизлар арқон тортиш, арғимчоқда сакраш, "Ок теракми-кўк терак", "Варрак учирини", "Чиллак" ўйинлари, "Беш қайроқ" турлари бўйича баҳсга киришдилар. 100 нафарга яқин ёшлар иштирок этган беллашув нихоятда кескин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Фаол иштирокчилар партия шаҳар Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёриқлари билан тақдирландилар.

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

мий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилиб, муҳокама этилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессияларига 3 та ташаббус-масала киритилди. Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида 60 дан ортиқ депутатлик сўровлари амалга оширилди ҳамда шу давр мобайнида улар томонидан 30 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, худудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электротар маффаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 30 та тақлиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди. Хусусан, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги партия гуруҳи бу борада фаоллик кўрсатиб, туман Кенгашининг сессиялари кун тартибига электротар маффаатларига оид қўллаб ташаббус масалаларни киритишга муваффақ бўлмоқда.

Бугунги кунда партия вилоят Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар олиб бориламоқда. Пировардида кўйи бўлинлар фаолиятида сезиларли жонлангиш кузатилади. Масалан, таркибиди 82 нафар аъзоси бўлган Навбахор туман "Бешрабат" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти томонидан ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар юзасидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Истиқлол ва ёшлар", "Соғлом оила — соғлом бола", "Миллий қадриятларни қадрлаб", "Халқ амалии санъати бардавондир", "Миллий тиклаш гоёси — миллий тараққиёт таянчи ва асоси", "Экологик хавфсизликни таъминлаш миллатнинг соғлиги ва генфондини ҳимоя қилишнинг бош омилли" каби тадбирлар шулар жумласидандир.

— **Ютуқлар яқин, албатта. Бирок муваффақиятлардан қувониб, хотиржамликка берилиш фаолиятдан қониқиб ҳиссини уйғотиб, иш са-**

### марадорлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам исботланган ҳақиқат.

— Тўғри таъкидладимиз. Биз тезкор, шиддатли даврда яшайлмиш. Ҳар кун, ҳар лаҳзада бирор бир ўзгаришга, янгиликка гувоҳ бўламиз. Бундай тезкор жараён ҳар биримиздан ташаббускор, интилувчан, давр билан ҳамнафас бўлишни тақозо этади. Эндиликда фаолиятимизни тубдан ўзгартириш, умий гаплардан чекиниб, амалии ишга ўтиш фурсати етганини англаган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади.

Айтиш жоизки, Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятида ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Булар партия ташкилотлари билан жойлардаги партия гуруҳларининг ўзаро алоқаларни яқин йўлга қўйилмагани, айрим депутатларимизнинг жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида депутатлик сўровлари киритиш, қолаверса, худудларда давлат Дастурлари ижросини назорат қилиш ва бу борада маҳаллий ҳокимликларга аниқ тақлифлар билан чиқиш борасидаги вазифаларни амалга оширишдаги камчиликлардир. Шунингдек, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш учун уларга етакчилик қилаётган кадрлар потенциалини кучайтириш, улардаги иш юритиш тартиби ҳамда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби долзарб вазифаларга ҳам алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Сўзимни мухтасар қилиб, яна шунини таъкидлаш эдимки, жорий йил биз учун муҳим синов, изчил изланиш ва доимий ҳаракат йилдир. Чунки ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан жуда катта сиёсий жараён — сайловлар даври яқинлашмоқда. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мазкур жараёнда муваффақиятли иштирок этишга қаратилган чора-тадбирлар асосида фаолиятимизни янада кучайтиришимиз лозим.

"Milliy tiklanish" мухбири  
Ўралой ТУРДИЕВА  
сўхбатлашди

## Фракция ҳаёти



## Демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асослари

қизгин муҳокамаларда янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, Бош қонунимизнинг 117-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиб, унинг фаолият тамойиллари мустақамлаб кўйилди. Сайловлар жараёнида очиклик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Мазкур конституциявий қондан амалга татбиқ этиш мақсадига ишлаб чиқилган юқоридаги қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тўғрисида»-ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 70-моддасига МСКни молиялаштириш Давлат бюджетиде алоҳида моддада назарда тутилиши белгиланган ўзгаришлар киритиш тақдирини назарда тутди. Ушбу қўшимча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақомини ҳисобга олган ҳолда сайловларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тайёрлаш қўриши ва уни ўтказишда молиявий мустақиллигини мустақамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида сайлов ёки референдумни ташкил этиш, ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (Жиноят кодексининг 146-моддаси) ва ишончли вакилнинг сайлов ҳуқуқи ёки ваколатларини амалга оширишга тўқнаш қилганлик (Жиноят кодексининг 147-моддаси) унунгина жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексиде сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари учун жавобгарликни белгиланган нормалар йўқ. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни белгиланган нормалар киритилмоқда. Хусусан, МСКнинг ва қўйи турувчи сайлов комиссияларининг референдум ўтказувида комиссияларнинг фаолиятига қўшимча хилоф равишда аралашуви, уларнинг қарорларини ижро этмаганлик, номзод, ишончли вакил, қузатувчи ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини, сайловнинг ташвиқоти, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш ҳолатлари буйича жавобгарлик белгиланмоқда.

Умуман олганда мазкур ўзгариш ва қўшимчалар Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантиришга, унинг фаолияти асосий

принципларини белгилашга, молиявий мустақиллигини мустақамлашга, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига қаратилган.

— Давлат ҳокимияти бошқа органларнинг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриши ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатида Марказий сайлов комиссиясининг мақоми конституциявий мустақамлаб кўйилгани демократик сайловни таъминлашнинг гоят муҳим қадамидир, — деди муҳокамаларда сўз олган фракция аъзоси Жаҳонгир Бобоев. — Хусусан, Марказий сайлов комиссиясига фаолияти-

принципларини белгилашга, молиявий мустақиллигини мустақамлашга, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига қаратилган.

— Давлат ҳокимияти бошқа органларнинг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриши ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатида Марказий сайлов комиссиясининг мақоми конституциявий мустақамлаб кўйилгани демократик сайловни таъминлашнинг гоят муҳим қадамидир, — деди муҳокамаларда сўз олган фракция аъзоси Жаҳонгир Бобоев. — Хусусан, Марказий сайлов комиссиясига фаолияти-

### Ақмал РАҲМОНОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— 2012 йилда фракциямиз ташаббуси билан сайлов қонунчилигига сайловда ташвиқот шакллари ва усулларини аниқ белгилаш, сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шартларни таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси фуқароларда масъулият ва миллий гуруҳ, Ватан тақдир ва жамиятда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизация жараёнига нисбатан дахлдорлик туйғуларини кучайтиришга қаратилган ишчи ва тизимли ишларнинг мантйқий давоми бўлди. Амалдаги қонунчилигимизда сайлов ёки референдум ташкил этиш ва ўтказишга оид қонунчиликни бузганлик ҳамда сайлов ҳуқуқи ёки ишончли вакиллар ваколатларини амалга оширишга тўқнаш қилганлик учун фақат жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган турли хатти-ҳаракатлар билан сайловга оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгиланган нормаларни фракциямиз қўллаб-қувватлайди. Зеро, миллий тикланиш демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий таъриба асосида, ўз ислохотлар моделидан келиб чиқиб, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва демократик кадриятларни тарғиб қилиш жараёнининг ажралмас қисмидир.

да очиклик ва ошкоралик принциплари анал қилиниши олдимида турган сайлов жараёнининг адолатли ўтишида муҳим аҳамият касб этади. Боси, мазкур тамойил МСК мажлислари очик тарзда амалга оширилишини, уларда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қузатувчилар иштирок этиши мумкинлигини назарда тутди. Билдирилган фикр-мулоҳазалардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди.

Депутатлар йиғилиши кун тартибидеги навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди. Унга мувофиқ, Жиноят-процессуал кодекси жиноят иши ёки унинг материалларини прокурорнинг қарори, жиноят иши судда йўқолган тақдирда эса суднинг прокурорга ижро учун юбориладиган ажрими билан қайта тикланишини тарғиб қилишчи механизмни жорий этувчи янги модда билан тўлдирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан сўз олган фракция аъзолари уни тако-

да амалга оширилаётган кучли ички ва ташқи иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқариш, миллий иқтисодиётимизда пухта ўйланган тизимли ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш устувор эканлигини таъкидладилар ҳамда ушбу вазифаларни амалга оширишда мазкур қонун лойиҳаси муҳим омил бўлишини қайд этдилар.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи лойиҳаси депутатлар ҳамда экспертлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, яқна тартибдаги тadbirkorларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиланган беради.

— Жамоат саломатлигини, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалаларида ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»-ги Қонуни билан тартибга солинади, — деди фракция аъзоси Мавлуда Алимова. — «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси амалдаги қонундан фарқли ўлароқ, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасида назорат функцияси билан бирга профилактика тadbirkorлар янада кучайтирилиши назарда тутди. Яъни, аҳолини мажбурий тиббий қўриқдан ўтказиш, эмлаш, санитария-гигиена ва эпидемиология қарши комплекс чоратadbirkorлар кўрилишининг ҳуқуқий асосини мустақамлашди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳолати ва уни қўллаш амалиёти, мавжуд муаммолар чуқур ўрганиб чиқилган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормалари, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларнинг ушбу масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш таърибаси ҳисобга олинган. Қонун лойиҳасида техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларга қўйилади, ер участкасини танлашга, объектларни режалаштириш, лойиҳалаш, қуришга, корхоналарни техник ва технология жиҳатдан қайта хизмлашга, кимёвий ва биологик моддаларнинг зарарсизлантиришга, озик-овқат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқаришга, ташвиқат, меҳнат шартлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган. Унинг қабул қилиниши республикада аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг комплекс тизими мустақамлашишига хизмат қилади ҳамда ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматлар томонидан амалий назорат қилинишига имкон беради. Қолаверса, ЎЗМТДП сайловдаги Платформасида белгиланган Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига қўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди. Эътироф этилгандек, мазкур қонун лойиҳаси биржа фаолиятини тартибга солиш, биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, биржа савдоларини ташкил қилиш, ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартиби, биржа савдоси иштирокчиларининг биржа битимлари буйича қафолатларни таъминлаш механизмларини белгилаш, биржа бозорларида ахборотни очиб бериш тартиби каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни назарда тутди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши биржалар ва биржа фаолияти масалаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётининг амал қилиши учун етарли шарт-шароитларни ярати бериши алоҳида таъкидланди. Депутатлар мазкур масалага ЎЗМТДП нуктаи назаридан ёндашган ҳолда фикр-мулоҳаз ва тақлифларини билдиришди. Хусусан, партия дастурий мақсад-вазифаларида Ўзбекистон манфаатлари йўли-

Мухтарама КОМИЛОВА,  
«Milliy tiklanish»  
мухбири

## Қонун лойиҳаси муҳокамада

## Электоратимиз манфаатлари

қабул қилинаётган қонунларда акс этаяптими?

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

— Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш амалиёти мавжуд эмас. Чет эл таърибасида йўловчиларнинг манфаатларини тўлиқ химоя қилиш учун уларни мажбурий шахсий сугурта қилиш ўрнига ташувчининг йўловчи олдидаги жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш механизмидан фойдаланилади. Бу каби умумэтироф этилган механизми мамлакатимизда ҳам жорий этишда мазкур қонун лойиҳаси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Яъни, унда ташувчининг йўловчи олдидаги жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш механизми мустақамлаб кўйилмоқда.

— Мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида фракциямиз томонидан қатор тақлифлар билдирилмоқда, — деди тadbirkor сўз олган ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Дехқонов. — Ушбу тақлифлар мазмун-моҳиятида инсон умри азизлиги, унинг манфаатлари устувор эканлиги ўз аксини топган. Дарҳақиқат, қонун лойиҳасида мустақам-

ланган, лекин айнан ташувчининг йўловчилар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш амалиёти, ўз навбатида, юртимиздаги барча турдаги йўловчи ташувчи транспорт воситалари эгаларининг масъулиятини оширади, шу билан бирга, уларнинг манфаатдорлигига ҳам хизмат қилади. Масалан, ташувчининг айби билан ҳалокат содир бўлса, умуман, сугурта ҳодисаси юзга келса, сугурталовчи йўловчининг ҳаёти ҳам, йўловчи ҳам зарар етишига йўл қўйилмайди. Шу ўринда фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасининг бу борадаги нормаларига ўлим билан тугаган ҳодисалар юз берганида, алоҳида чоралар кўрилиши лозимлигини тақлиф этишмоқда, — деди депутат.

Тadbirkor иштирокчилари мазкур қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини қизғин муҳокама қилиб, бир қатор тақлиф ва тавсиялар беришди.

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва жадал тарққиётини таъминлашда сугурта тизими алоҳида аҳамият касб этади. Сугурта соҳасининг эътиборли жиҳати шуки, у миллий иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнида кўзда тутилмаган турли тасодифлардан зарар кўрувчиларни молиявий жиҳатдан химоялаш вазифасини ўтайди.

Бугунги тadbirkor муҳокама қилинаётган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи лойиҳаси биринчи галда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг қопланишини қафолатлашдан иборат эканлиги билан аҳамиятлидир.

Хозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатлари, жумладан, Европа Иттифоқининг деярли барча давлатлари, АҚШ, Канада, Япония ва Россия Федерациясида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизими муваффақиятли амал қилиб келмоқда. Модомки шундай экан, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимизда ҳам инсон манфаатларини, ҳам мамлакат иқтисодининг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Қонун лойиҳасини ўрганиш ҳамда бугунги муҳокамалар жараёнида сугурталовчиларга белгиланганидан фарқ қилувчи сугурта тарифларини қўллашни таққиловчи норма лойиҳада акс этмаганлиги маълум бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда, мазкур қонун лойиҳасига Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги қонунларига ўз аксини топган сугурталовчилар белгиланганидан фарқ қилувчи сугурта тарифларини қўллашга ҳақли эмаслигига доир норма ёхуд меъёрни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайми.

Жамила НИЁЗОВА,  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:  
— Алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги йиғилишда муҳокама қилинаётган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳам айни шу мақсадларнинг мантйқий давоми десак, мулолага бўлмайди.

Дастлаб мазкур қонун лойиҳасини қабул қилишнинг заруриятига эътибор қаратсак, Дарҳақиқат, йўловчиларнинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарар буйича сугурта химояси гарчи амалда «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий сугуртаси тўғрисида»-ги қонунда ифодаланган бўлса-да, бироқ ушбу қонун таҳлили унинг баъзи нормалари бугунги кун талабларига жавоб бераётганини кўрсатмоқда.

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасида мажбурий сугурта қилишнинг объекти ва субъектлари, ташувчи ва сугурталовчиларга қўйилган талаблар ҳам аниқ белгиланган бўлмоқда.

Депутат сифатида ҳар бир қонун лойиҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор билан қарашимиз лозим. Мазкур қонун лойиҳасида баъзи нормаларга аҳамият берадиган бўлсак, чуқурроқ таҳлил ва таҳрир қилиш зарурати мавжудлиги аққол сезилади. Жумладан, унда сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкинлиги ҳақидаги норма ташувчининг ҳуқуқи сифатида берилган, бироқ, бундай ҳолларда ташувчи кимга ва қарга мурожаат этиши кераклиги аниқ баён этилмаган. Яна бир жиҳати ташувчининг ушбу қонунда белгиланган миқдорда ва ҳолларда регресс тартибиде талаб қилиш сугурталовчининг ҳуқуқи эканлиги кўрсатилган, ammo сугурталовчи нималарни талаб қилиши мумкинлиги мавжуд бўлиб қолган. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида ушбу жиҳатларга, албатта, аниқлик киритиш зарур бўлади.

Каримжон БОБОЕВ,  
«Ishonch» Банкларо сугурта компанияси бош директори, эксперт:

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва жадал тарққиётини таъминлашда сугурта тизими алоҳида аҳамият касб этади. Сугурта соҳасининг эътиборли жиҳати шуки, у миллий иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнида кўзда тутилмаган турли тасодифлардан зарар кўрувчиларни молиявий жиҳатдан химоялаш вазифасини ўтайди.

Бугунги тadbirkor муҳокама қилинаётган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи лойиҳаси биринчи галда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг қопланишини қафолатлашдан иборат эканлиги билан аҳамиятлидир.

Хозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатлари, жумладан, Европа Иттифоқининг деярли барча давлатлари, АҚШ, Канада, Япония ва Россия Федерациясида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизими муваффақиятли амал қилиб келмоқда. Модомки шундай экан, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимизда ҳам инсон манфаатларини, ҳам мамлакат иқтисодининг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Қонун лойиҳасини ўрганиш ҳамда бугунги муҳокамалар жараёнида сугурталовчиларга белгиланганидан фарқ қилувчи сугурта тарифларини қўллашни таққиловчи норма лойиҳада акс этмаганлиги маълум бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда, мазкур қонун лойиҳасига Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги қонунларига ўз аксини топган сугурталовчилар белгиланганидан фарқ қилувчи сугурта тарифларини қўллашга ҳақли эмаслигига доир норма ёхуд меъёрни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайми.

# Маънавият

○ Таҳлил

## 3D форматдаги фильмлар

қай даражада фойдали-ю, қай даражада...

*Бугун ҳаётимизни илғор технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар кинематография соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Фильмни суратга олиш жараёнида бугун янгидан-янги технологиялар қўлланилмоқда. Улар орасида овоз ва визуал тасвири узатиш бобида 3D технологияси (анаглиф, Dolby 3D, IMAX 3D ва б. ) энг илғорлар сафидан жой олиб улгурди. Мазкур технология устидаги тажриблар 1838 йилдаёқ бошланган.*



Ушанда британиялик ихтирочи Чарльз Уитсон тасвири ўнг ва чап кўз орқали турлича кўриш имконини берувчи мосламани кашф этади. Мослама турли хил буюмларни ўзидан бир неча марта катта ҳажмда кўрсатиб беради. Орадан 15 йил ўтиб, Лондонда стереоскопик ташкилот томонидан томошабинлар ҳуқмига Ниагара шаршарасининг уч ўлчамли тасвири намойиш этилди. Шундан сўнг, ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб стереоэффектлар кинематографияга кириб келди ва унинг ёрдамида катта ҳажмли объектлар, жонли ва жонсиз буюмлар суратга олина бошланди. Бироқ, мазкур технология 50-йилларга келибгина ҳақиқий маънода оммалашди. Ушанда кинематографчилар ана шу технология орқали телевидениедан устунлик қилишга уринишарди. Бугун эса 3D махсулотларини истаган киши, ҳатто, оила даврасида ўтириб ҳам томоша қилиши мумкин.

3D технологияси кинематография соҳасини юқори чўққиларга олиб чиқди. 3D форматдаги фильмлардаги воқеа-ҳодисалар томошабинларнинг кўз ўнгига содир бўлади. Шунданки, томошабин ҳам ўша фильм иштирокчисига айланиб қолади. Демакки, бундай фильмлар шунчаки эмас, аксинча зўр кизиқиш билан томоша қилинади.

3D эффектлари ичида анаглиф услуби кўпроқ оммалашган. Ушбу услуб асосида истаган фильм ёки ўйинни уч ўлчамли суратга олиш мумкин. Кўзингизга махсус кўзойнак тақсангиз кифоя. Бундай пайтда, ҳатто, қоғоздан асалган буюмлар ҳам кўзингизга уч ўлчамли бўлиб кўринаверади. Сўнгги йилларда 3D фильмларнинг тобора оммалашиб бораётгани сабаб, айнан шу йўналишда мультфильм, ҳужжатли ва бадий фильмлар суратга олинмоқда. Бундай фильмларда энг ноёб ва ҳозирда мавжуд бўлмаган ҳайвонларни кўриш, улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Қолаверса, даҳшатли ҳодиса ва фалокатларнинг ҳаққоний чиқишида ҳам бундай технология қўл

келмоқда. Шундай экан, 3D томошабинга реаллик, ўткир ҳиссий ва битмас-туганмас ҳис-ҳаяжон ҳаёти этиши аниқ. Бироқ, уларнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бор. Айниқса, инсон соғлиги ва психологиясига салбий таъсир кўрсатиши мутахассислар томонидан бот-бот эътироф этилмоқда. Маълумки, 3D форматдаги кино махсус кўзойнак орқали томоша қилинади. Тасвирлар оддий теле экран орқали бериладиган фильмлардан фарқли ўларок, бўрттирилган ҳолда кўринади. Гуёки, сиз ўша кино ёки ролик ичига кириб қолгандек бўласиз. 3D ўлчамли фильмлар давомийлиги 30 дақиқадан ҳам ошиши мумкин. Аммо 5D ўлчамли кинолар кўли билан ўн беш дақиқагача давом этади. 5D ўлчамли киноларда ҳам махсус кўзойнак ва тасвирнинг ноанъанавийлиги билан бирга тасвирдаги ҳаракатларни тақрорлаган ҳолда ўриндиқлар орқага, олдинга, ўнга-чапга ҳаракатланиши ва бошқа махсус эффектлар ёрдамида томошабин ўша воқелик ичида юргандек бўлади. Мисол учун шамол, ёмғир, қор парчаларининг юзга, сочга урилиши, сув пуркалиши, оёқларингизга ёки кўлларингизга ниманингдир тегиб кетиши ва ҳоказо.

Кейинги пайтларда, айниқса, 3D форматли киноларга кизиқиш тобора ортиб бормоқда. Пойтахтимизда ва вилоятлар марказларида шундай фильмлар намойиш этиладиган кинотеатрлар фаолият юритмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, бундай кинолар оддий фильмлар каби тасмага олинмайди. Асосан компьютер графикаси асосида ишланади. Махсус эффектлардан фойдаланилгани боис ҳаммага турлича таъсир қилади. Кимгадир фильм воқеаси қизиқарли, кимга эса умуман қизиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу, асосан, инсон руҳиятига боғлиқ бўлади. 3D киноларини томоша қилишни истовчиларнинг аксарияти хаёлот оламига тушиб қолгани ёқтиради. Сабаби, бундай форматли фильмлар реалликдан анча йироқ бўлиб, воқеа ва тасвирлар ўзаро уйғун бўлади.

3D форматли киноларнинг томошабини, асосан, ёшлар эканлигини ҳисобга олсак, улар кўпроқ, ваҳимали, кўрқинчли, агрессияга бой, самовий жанг тасвирлари бор фильм ва роликларга буюртма беришларига ғувоҳ бўламиз. Айрим ёши катталарнинг ўзи болаларини етаклаганча 3D кўришга олиб келади. Энди ўзингиз ўйланг. Махсус эффектлар таъсирида воқеа жонланади, табиийдек, ўзингизни ўша оламга тушиб қолгандек ҳис қила бошлайсиз. Томоша қилаётганингиз гўзал манзаралар бўлса яхши, бироқ юқорида келтирганимиздек бўлса-чи? Ахир бундай тасвирлар болага салбий таъсир кўрсатмайди? Бу ҳақда мутахассисларнинг хавотири ҳам ўринли.

— Ҳозирги замон болаларининг ҳаётини компьютер ёки телевизорсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди психолог Замира Азимова. — Ҳар бир бола ўзига қизиқ бўлган ўйин ўйнашни, кўрсатувни кўришни истади. Аммо кўп вақт давомида экран қаршисида "михланиш" ўсиб келаётган ёш авлоднинг ривожланишига салбий, айниқса, кўриш қобилиятининг сусайишига таъсир кўрсатишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Компьютер ва телевизор экранидан таралаётган нур кўз мушакларини зўриқтиради. Катта экранлардаги кинолар, 3D ва 5D форматдаги фильмларнинг зарarli томони улар қоронғиликда намойиш қилинади. Қоронғу жойда эса ёруғлик кўзга тик тушади. Электрон мосламаларнинг ёрқин ранглари ҳам кўз гавҳарига таъсир қилмай қўймайди. Чунки бундай ранглар табиатда учрамайди. 3D ўлчамдаги кинолар кўрганда кўзга босим тушади. Шу боис, бундай киноларнинг салбий томонларини билиш ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозим.

3D ва 5D ўлчамли кинолардаги ҳолатлар инсонлар руҳиятига салбий таъсир қилмайди, деб айтолмаймиз. Чунки томошабинга завқ бериш мақсадида қисқа вақт ичида давом этадиган намойиш кескин кўринишларга, кутилмаган ҳолат ва вазиятларга бой бўлади. Бир лаҳзада тоғ чўкқисига чиқши, тезлик билан ортга қайтиш, ёввойи ҳайвонлар ёхуд илонлар орасига тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Табиийки, бу каби ҳолатлар одам организмни ҳаяжон, кўрқув ҳамда ваҳимага солади. Бунинг яна бир салбий жиҳати кучли кўрқув ёки кучли ҳаяжон одами бирор касалликка мойил қилиб қўяди. Масалан, кимдир стрессга тушиб, қон босимининг ошиши ёхуд қандли диабет касаллигига чалиниши эҳтимолдан холи эмас. Энг аввало, 3D ва 5D ўлчамли кинотеатрларга тушганда мейёрга амал қилиш, фильмнинг сифати ва эффектига эътибор бериш лозим. Талаб даражасида бўлмаган, кўзимиз ва онгимизга салбий таъсир қиладиган фильмлардан воз кечган маъқул. Ҳар бир онгли инсон ўзи ва ҳаёти учун маъсул. Айниқса, болаларга завқ-шавқ улашни истаганлар, аввало, унинг оқибатини ўйла-са мақсадга мувофиқ бўларди. Катталар у ёқда турсин болалар вақтини ҳам ўғирловчи бундай фильмларни кўриш ўрнига китобга меҳр қўйган яхши эмасми? Сабаби, экран орқали намойиш этилуви фильмлар фақат вақт ўғирлабгина қолмай, катта-у кичикни дангас қилиб қўяди, саломатлигига путур етказилади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**  
"Milliy tiklanish" муҳбири



Мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармон хотин-қизлар учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасини Фарғона тумани Водил қишлоғида яшовчи Дилобар Ғаниева фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Моҳир чевар Дилобар Фарғона тумани марказида тикувчилик цехи очиб, йиғирмага яқин қизни ишга жалб қилди. Мазкур цехда замонавий дизайнли тиклаётган бежирим кийим-кечакларга талаб тобора ортмоқда.

○ Мулоҳаза

## АЙТИЛГАН СЎЗ

унинг ўз ўрни, меъёри ва одоби бор

*Биз насли тоза, аجدодлари билан ҳар қанча фахрланса арзийдиган дийр фарзандларимиз. Жумладан, миллий тикланиш йўлида ота-боболаримиздан маънавий мерос бўлиб келаётган юксак қадриятларимиздан бири халқимизнинг сўзлашув маданиятидир. Бир зум тарихга назар ташласак, устозлар шогирдларига қай бир хунар ёки илмдан сабоқ бермасин, энг аввало, уларнинг нутқ одоби ривожланишига катта эътибор қаратганининг ғувоҳи бўламиз. Бунинг учун ёш Навоийнинг таҳсил вақтида устозларини дол қиладиган пурҳикмат сўзлари, Ибн Синонинг беморларни аввало, ширин сўз билан даволаганларини эслаш кифоя.*

Ҳазрат Навоий бўстондаги гуллар ичида гулсафсар, гулгунча ва райҳонни ёқимли бўй таратувчилар сифатида эътироф этиб, уларни инсон тили ва дилига қўйслайди. Аслида ҳам, инсоният ўзига берилган бу икки инъомни омон сақлаши, атрофга уларнинг ёқимли ифори билан завқ бағишлаб, яъни қалбда яхши тилакларни ўйлаб, нутқда маъналий сўзларни сўйлаши жоиздир.

Кўпчилигимиз ўқиш, иш, оила ташвишлари билан бўлиб, кўча-кўйда, жамоат транспортида юрамиз, фирка хил одамлар билан учрашамиз. Бир кунда неча юзлаб тақдир эгаларига кўзимиз тушади. Афсуски, улар орасида маънисиз, энгил-елли, кераксиз гапларни гоҳ ўзроқ, гоҳ телефонда муҳокама қилиб кетаётган одамларга ҳам дуч келамиз. Бу ҳолат, айниқса, ҳаёт ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмаган, фикри саёз ёшлар орасида кўп учрайди. Бироқ катталар ўзларининг ташвишлари билан бўлибми, бундай салбий ҳолатларга кўп ҳам эътибор бермайдилар.

Айрим балоғат ёшидаги қизларнинг оғзидеги саҳичини айлантириб, ёши катта инсонларга беписанд ҳолда дугоналари билан кимни "ёқтириб", ким билан "гаплашаётгани"ни овоза қилиб кетаётгани одами ўйлантириб қўяди. Ахир, қиз бола иболо бўлиши керак-ку! Улар эртага бир оиланинг бекасига айланади. Бу муаммо келин олаётган оналарни ҳам ташвишга солиб қўйиши табиий.

Шунингдек, айрим йигитлар (ҳаттоки, ёши катта баъзи эркаклар)нинг ҳам сўйинмаслар гўё гапи қовушмидагидек. Сўйинмиш одамлар орасидаги ҳаё, муомала маданиятига путур етказибгина қолмай, оиладан файз кўтарилишига ҳам сабаб бўлади. "Сўйинмиш ёмонлигини ҳамма билади, лекин ҳеч ким бу иллатдан қутулишни ўйламайди. Фарзандимиз ўн-ўн беш ёшларда бировини сўйаётганини эшитиб қолсак, газабланамиз, Бў ёмон одатни чиқарган пайтда "онангни (ёки "акангни") сўйиб қўй", деб ўргатганимизни унутиб юборамиз", деб ёзади таникли адиб Тоҳир Малик "Ҳусну хулқ" китобида.

— Фарзанд тарбияни фақат мактаб ва маҳалладан олмайди. Бунга, энг аввало, оилада алоҳида эътибор қаратилиши лозим, — дейди Олмасор туманидаги 111-урта таълим мактаби директори Одина Зиеева. — Ўқитувчи болани беодоб сўзлар айтгани, ҳаттоки сўйинаётганини эшитганида танхё бериб, тўғри йўлга чорласа унинг отанаси келиб: "Нима ишинг бор", дейиши тўғрими? Афсуски, бунинг қандай оқибатга олиб келишини баъзилар ўйлаб ҳам кўрмайди.

Чиндан-да бундай беандишалик билан эртага турмушнинг пасту баландига кўникиб кетиш, оқил фарзандларни етиштириш қийин бўлади. Ҳар хижатдан соғлом болаларни тарбиялаш, вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадига айланган бир пайтда, барчамиз кўлини-қўлга беришимиз, фарзандимиз, ука-сингилларимизнинг моддий тўқислигидан ташқари, уларда халқимизга хос андиша, одоб, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, камтаринлик каби фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратишимиз лозим. Бундай ҳислатлар соҳиб бўлган ёшларимиз тилдан эса ҳеч қачон ножоиз сўзлар чиқмайди.

Афсуски, масаланинг яна бир жиҳати эътиборни тортади. Илму маърифат масканлари бўлмиш ўқув муассасалари(айниқса, олий ўқув юрлари)да ўтказилаётган айрим кўнгилочар кеча ва беллашулардаги саҳна кўринишлари, ҳазил-мутўйбаларнинг беҳаёлик, андизасизлик, масҳара ва одобсизликка йўғрилгани, буни кузатиб, эшитиб, кўпчиликка қўшилиб кулиб ўтирган устозлар ҳақида нима дейиш мумкин? Шунингдек, бундай "томоша"ларнинг айрим телеканалларда ҳам бўй кўрсатаётгани, энг ёмони, фарзандларимиз уларни кўриб улғаяётгани кишини ташвишга солади. Болани уришса, эти, урса бети қотади, дейди доно халқимиз. Бу намойишларда ишлатиладиган уятсиз, энгил-елли сўзлар ҳам ҳаёда эшитиливерганидан сўнг кундалик одатий сўзлардан фарқи қолмайди, юқоридеги пурҳикмат мақол каби фарзандларимизда кўникиш хисси ҳосил бўлмайди, деб ким айта олади? Назаримда, мутасаддилар бундай "кўнгилочар" чиқишларга

беъэтибор бўлмасликлари керак.

Мухтарам юртбошимиз "Юксак маънавият - энгилмас куч" асаридеги "...агар ота оилада ўзини тутишни билмас, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига кўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади..." деб ёзадилар. Бу мулоҳазалар юксак маънавият — энгилмас куч-шиори билан ҳаракат қилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий мақсади ва вазифалари сирасидан эканлиги эътибор молик.

— Мана шу каби иллатларнинг олдини олиш, маънавий жиҳатдан мукамал, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган фуқарони шакллантириш мақсадида партияимиз кўлаба чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда, - дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси матбуот котиби Дониёр Тошбоев. — Бу борада "ЎзМТДП аззосининг этика кодекси", "Тарғиботда нотиклик маҳорати" каби қўлланмалар муҳим дастуриямал бўлаётир. Партиянинг "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" ташаббускорлигида нутқ маданияти, нотиклик маҳоратини ошириш мақсадида учрашувлар ташкил қилиб келинаётир. Шунингдек, яқинда Самарқанд шаҳрида маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари билан ҳар қилганда бутунги сўзлашув маданияти, шунингдек, кўча-кўйлардаги реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлигида шайқаллинишига, маъно-мазмунли бўлишига ҳисса қўйиши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, кундалик турмушимизда учраётган юқорида тилга олинган айрим ноҳуш ҳолатларни кўриб, қўйиб, эшитиб, эшитмаганга олиб кетаверсак, оқибати яхши бўлмас. Ўйлайманки, ҳар биримиз бу каби тадбирларда фаол иштирок этишимиз, партия ташаббускорлигида амалга оширилаётган ишларга ўз хиссамизни қўшмоғимиз лозим. Қолаверса, ёши улғур отахон-онахонларимиз, эҳтибор қилишга ҳисса қўйиши шубҳасиз.

**Умида УЗОКОВА,**  
"Milliy tiklanish" муҳбири

○ Эҳтиром

## "Ўқитувчи"дан чиққан носир

*Жаҳонгир Пирмухамедовни муҳандисдан чиққан носир деб аташди. Жаҳонгир ака Тошкентда зиёли оиласида туғилиб ўсди. Мактаб, институтда ўқиди. Заводда инженер бўлди. Қисқа муддат Ўзбекистон Фанлар академиясида хизмат қилиб, сўнг "Ўқитувчи" нашриёти "Хунар-техника адабиёти" таҳририятининг мудири сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.*

Техника мутахассиси ноширлик касбида ўзини синаб, бу соҳа тамал тошини қўйган илк мутахассис маърифатчилардан бирига айланди. Мухаррирлар Фатхулла Умрзоқов, Саломат Мирбобоева, Султонмурод Шарипов билан биргаликда ўзбек хунар-техника таълими атамушносининг такомил топишига муносиб ҳисса қўшди.

Унда бадий прозага мойиллик, воқеа-ҳодисани юмористик фонда кўриш, ҳаётни гўзалликда, кўтаринки руҳда тасвирлашга интилиш хисси бор эди. Дарвоқе, энг асосийси, у болалигидан машҳур адибимиз Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекка ёндош маҳаллада камол топган, у зотга беқиёс ҳурмат-эҳтиромда қоим бўлиб ўсганида бир ҳикмат бор эди. Бир гал отаси Маҳкам Пирмухамедов етагида улғур устоз "суҳбати"да бўлган, кейинчалик бу учрашувни ўзининг илк адабий этюди "Ойбекнинг кулгуси" асарига ҳаяжон билан тасвирлаб берган эди. Образли қилиб айтганда, ўшанда

Жаҳонгир Пирмухамедовга улғур ижодкорнинг нафаси юққан бўлса ажабмас.

Мустақилликнинг шарофатини қарангки, истеъдод эгалари иҳода янги қобилиятларини намойиш қилдилар. Жумладан, бизнинг муҳандис ноширимиз Жаҳонгир Пирмухамедов ҳам кетма-кет уч тўплам чоп эттириб, уларда жиддий ва ҳажвий бадиалардан иборат ҳаётий хикояларини халқимизга тақдим этди. Ажабки, адабиёт ахли, ижодкорлар, кўп минг сонли китобхонлар Жаҳонгир Пирмухамедов асарлари — бу ҳаётий бадиаларни сара бадий асарлар сифатида қабул қилди.


Ёзувчининг "Аллолар ҳақидаги хангомалар", "Нашириёт хангомалари", "Маҳалла хангомалари", "Машаққатли йиллар хикоялари", "Қалтис ҳазил", "Талабалик даври хангомалари" туркумларига кирган ҳажвий, юмористик лавҳа, этюд, миниатюра, латифа, лофлару интермедия ҳамда жиддий хикоялари китобхонни беъэтибор қолдирмайди. Буларда ўзи яқиндан таниган, меҳр ва ихлол қўйган одамлари — бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятига манба бўлган жонахон "Ўқитувчи" нашриёти жамоаси заковатли шахс ва инсонлари, ўз ота-онаси, оиласи, жигарбандлари, кадрдон, сермуруват маҳалладошлари, тенгдошу оғайни-улфатлари бадиаларда акс этган.

Китобларидеги латифанамо асарлар ҳаётийлиги, инсоний меҳр ва муҳаббатга йўғрилганлиги, серзавқ ва топқирлиги, энг муҳими, ҳозирги китобхонларга бадий хулосанинг моҳиятини йиғиб, содда ва раво ифодалаш билан ҳам қимматлидир.


**Маҳмуд САТТОР**

# Жараён

Жорий йилда Наманган вилоятида 17 минг 900 нафарга яқин ўғил-қиз стационар, 11 миңдан зиёд ўқувчи кундузи оромгоҳларда ёзи таътили мазмули ўтказиши режалаштирилган. Янгиқўрган туманидаги "Қамалак" оромгоҳида мавсум давомида 1 миңг 625 ўқувчи дам олади. Айни пайтда 500 нафардан зиёд болани бағрига олган сўлим ва баҳаво масканда мароқли ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шуғулланиши учун замонавий шартлар яратилган. 300 ўринли ошхона, тиббиёт, маънавият ва маърифат марказлари, футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, теннис майдонлари, ижодий ва фан тўғрисидаги болажонлар билан гавжум.



(ЎЗА) олган суратлар.



Мутулаа

## Миллий фалсафа

тарихига янгича нигоҳ

"NOSHIR" нашриёти томонидан фалсафа фанлари доктори, профессор Х.Алиқуллов масъул муҳаррирлигида "Ўзбекистон фалсафаси тарихи" китобининг биринчи жилди чоп этилиб, китобхоналар ҳужумига ҳавола этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Олий ўқув юртинларининг етакчи файласуфлари томонидан тайёрланган.

унда билдирилган эътироф, фикр-мулоҳаза ва ҳулосаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда файласуф-олимлари қаламига мансуб "Ўзбекистон фалсафаси тарихи" китобининг биринчи жилди ҳам ана шу хайрли ва эзгу ишлар борасида қўйилган катта қадамлардан бири ҳисобланади. Ушбу нашрни қайси бир маънода халқимизнинг бир неча миңг йиллардан яратган фалсафаси хусусида хорижда ва юртимизда мавжуд қарашлар мажмуасини янги давр талаб ва маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта идрок этиш, янгича ёндашув натижаси, десак тўғри бўлади. Агар таъбир жоиз бўлса, китобни янги Ўзбекистон фалсафий ҳамжамиятининг тарихий фалсафамиз билан "бевосита" мулоқоти натижаси дейиш мумкин.

Ушбу китобда Ўзбекистон фалсафаси тарихи қадимги ижтимоий-фалсафий фикр сарчашмаларидан тортиб Темурийлар сулоласи ҳукмронлигига бўлган давр ёритилган. Хусусан, унда Зардуштийлик китоби "Авесто"даги фалсафий фикрлар, монийлик, маздакийлик ва туркий битиклардаги ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий гояларнинг муҳим хусусиятлари таъкид қилинган. Айниқса, "Авесто" китоби минтақа тарихий ва фалсафий тафаккурига оид бизгача етиб келган энг қадимий ёзма дурдона асар эканлигида келиб чиқилса, унинг аҳамияти нақадар улкан эканлиги янада яққолроқ аниқлашди.

"Ўзбекистон фалсафаси тарихи" китобида, шунингдек, ўрта асрларга оид илк Уйғонув давридаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикр ва тасаввурларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланганлиги очиб берилган. Уша даврда яшаб ижод этган Мухаммад Хоразмий, ал-

Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, ислом фалсафаси ва тасаввуфининг йирик вакиллари Имом Бухорий ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқаларнинг фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб берилган, уларнинг фалсафа тарихига қўшган улкан ҳиссаларига ҳолис баҳо берилган.

Ўзбекистон ва дунё тарихида ўчмас из қолдирган, ҳали-ҳанузгача авлодларни ҳайратга солиб келатган Қадимги ва Шарқ Уйғониши даврлари фалсафий қарашлари тадрижи батафсил таъкид ва таҳлил этилган. Айтиш жоизки, айнан шу даврлар мобайнида Ўзбекистон фалсафий тафаккури жаҳон фалсафаси билан уйғунлашиб кўламини беҳад кенгайтиришга эришди. Бирок бу ҳолат миллий фалсафамизнинг ўз бақувват сарчашмаси - тамал тоши ва маконига эғалигига монелик қилмайди. Айни шу масала асарда тўлиқ ўз аксини топган.

Китоб билан танишиш асосида юртимиздаги бир неча миңг йиллик фалсафий жараён дастлаб ўз негизида ривожланиб, сўнг дунё сари буй чўзган деган ҳулосага келади. Ўзбекистон диёрининг жаҳон фалсафаси жараёни ривожига қўшган улкан ҳиссаси эса она заминимизда вояга етган ёки тақдир тақозоси билан юртимизда қўним топган буюк алломалар фалсафий-илмий меросида атрофлича акс эттирилганлиги мазкур китобда етарлиқ асослаб берилган.


Темур Жўраев, фалсафа фанлари доктори, профессор

### Миллий гурур

## Ортингда тоғинг — Ўзбекистонинг бор

отанинг ана шундай даъвати полвон ўғилга куч-қувват бағишлади

Шу йилнинг март ойида Таиланднинг Аутай шаҳрида бўлиб ўтган тайбокси — муай-борон бўйича биринчи жаҳон чемпионатида дунёнинг 36 мамлакатидан келган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб борди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Спортчиларимиз жами 14 та: 8 та олтин, 5 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритишди.



Тайбокс — муай-борон бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг энг нуфузли майдонида ўта оғир вазн бўйича жанг бошланди. Юртимиз вакили Алишер Холиқов (96 килограмм) Бирлашган Араб Амирликларидан келган 130 килограммли паҳлавонга қарши майдонга тушди. Ҳолбуки, профессионал спортда баъзан масалани грамлардаги фарқ ҳал қилиб қўяди. Алишерни йиғирма чоғли сафдошлари ишқибоз сифатида қўллаб-қувватлаб турарди. Шу пайт унинг қулоғида отасининг сўзлари жарағлади: "Болам, сен ҳаммадан зўрсан! Сен кимсан Амир Темурнинг вориси. Соҳибқирон юрган қирларнинг боласисан!" Бу қаҳриқандан сўнг рақибининг номдорлиги-ю, вазнлар ўртасида тафовут Алишернинг кўзига кўринмади. "Уни даст кўтариб ташлайман, вассалом!!!" деганча шиддатла олдинга юрди. Ушбу спорт турида уриш, тепиш, ҳатто, елқадан ошириб улоқтириш ҳам мумкин. Алишердек ўзбек йиғити учун бир мушт тушириш нима деган гап. Тепиш ёхуд елқадан ошириб отишни-ку гапирмаса ҳам бўлади. У эсини танибдики, қишлоқ тўйлари ва сайилларда рақибни чингилтоб қилиб кўтариб олиб, итқитиб юборишнинг машқини олган.

Даставвал, спортчимиз рақибининг бош қисмига зарба беришни хаёлидан ўтказди. Бир неча уринишдан сўнг кучли зарб рақибнинг юз қисмига тушди. Полвон гандираклаб ноқадан бўлди. Ўрнидан туриб яна жангга киришган пайти Алишер яна бир марта зарба берди. Шундан сўнг, рақибни чаққонлик билан елкасига олиб, итқитиб ташлади. Томоша қилаётган мингдан ортқ ишқибозлар ўрнидан туриб кетди. «VIVAT UZBEK!!! VIVAT UZBEK!!!» деган самимий олқишлар унинг шарофига айтилди.

Рефери Алишернинг қўлини кўтарди. Паҳлавонимиз биринчи доводдан ўтиб олди. Эртаси кунни уни олдиндан-да кўчирик жанг кутиб турарди. Энди у бошқа гуруҳда ғолиб бўлган Албаниялик профессионал муайтайчи, вазни 158 килограммни ташкил қилувчи спортчи билан жангга кириши керак эди. Фарқи қаранг: Алишер 96 килограмм вазнда. Рақиб эса ундан 62 кило оғир! Бунақаси спортда камданкам учрайди. Алишер ана шундай рақибни ё энгби финалга чиқади, ё бўлмаса... юртга бошини ҳам қилиб қайтади. Унда йиғит отаси, мураббий ва устозларнинг кўзига қандай қарайди. Йўқ, ҳеч қачон, орта йўл йўқ! У Ватанга фақат ғалаба билан қайтиши шарт!!!

2014 йил 14 март. Энди Алишерга таиландликлар ҳам ишқибозлик қилишмоқда эди. Жанг бошланди. Алишернинг қаршисида ҳам бўйи, ҳам энига икки баробар келадиган рақиб турарди. Вазоҳатидан худди эзиб ташламоқчидек эди. Алишер унга кўпмак яқин бормай айланб ўтиб, катта кучга чаққон куч билан зарба беришга қарор қилди. Дастлаб икки-уч кучли зарбани ўтказиб юборди. Демак, ҳал қилувчи зарбани пайсалга солиб бўлмайди. Алишер баянда сакраб оёқ зарбасини бергач, мушти билан қатор ўнг ва чап, чап ва ўнг зарбаларини берди-да, гандираклаётган рақибига кураш

усулини қўллади. Томоша қилаётган оломон хайратдан оёққа қалқди. Яна ўша "VIVAT UZBEK!!! VIVAT BORON!!! VIVAT UZBEK!!!" каби олқишларнинг кети узилмасди.

Алишер ҳар бир ғалабадан сўнг шу шовқин-сурон ихра Ўзбекистон байроғини боши узра кўтариб айланарди. У ўша жойининг ўзидаёқ отасига телефон қилади. "Ота! Ўзбекистонимиз байроғи бошим устида турибди!!" У ёқлардан — миңглаб километрлар сарҳадлардан туриб ота фарзандини дуо қила кетди: "Ўзимнинг полвоним! Сендан миңдан миңг розиман! Алишер, энди финалми? Бос, ўғлим! Сен ҳаммадан зўрсан! Дунёни ол! Аждодларимизга хос ва мос бўлгин. Ортингда тоғинг — Ўзбекистонинг бор!"

16 март. Ҳаяжонга тўлиб тошган финал кун. Бугун жаҳоннинг муай-борон бўйича чемпиони аниқланади. Ишқибозлар икки миңдан ошиб кетган. Алишер Холиқов энди аутайликларнинг ҳам суюкли паҳлавони. Яна ўша майдон. Унинг бу галги рақибни барча босқичлардан Алишер каби муваффақиятли ўтган бразилиялик спортчи эди. Алишердан 19 килограмм оғир ва жуда абжир муайтайчи ўзбек йиғитига қараб, «жа полвонча, шошмай тур» дегандек нописанд нигоҳ билан қараб қўйди. Жанг бошланди. Рақиб ошқора ҳамлага ўтди. У Алишерни бирор қарорга келишга улгурмасиданок энгмоқчи эди. Бразилиялик спортчи кескинроқ усулни қўллади. Бирок, Алишер шиддаткор ва жуда қаттиқ зарбаларга асосланган ҳужумга қандай жавоб қайтариш лозимлигини бир неча сониянинг ўзидаёқ аниқлаб олди. Рақибига озгина фурсат қолди. Унда ғалабага бўлган ишончини уйғотиб қўйди. Худди Соҳибқирон, бобомиз аксарият ҳолларда қилгани каби ёлғондакам чекинди ва ўзини чекина бошлаган қилиб кўрсатди. Алишер ана шундай усул билан рақибини чалғитди. Қутилмаганда ота-боболарига хос усул билан бразилиялик рақибига зарба берди. Афтидан бундай — тўғридан-тўғри ва кучли зарбни рақиб кутмаган кўринади. У гандираклаганча орқасига қулаб тушди. Рефери санай бошлади. Рақиб яна жангга ҳозир эканини билдирди. Алишер энди бутунлай бошқа — ҳеч ким кутмаган усулни қўлади, майдоннинг бурчаги томон чекина бориб рақибга бир неча зарба берди, сўнг қутилмаган сурбат билан рақибининг истиқболига ташланиб боши узра кўтариб олди-да, ерга ташлади. Бу ҳол беш-олти марта такрорланди. Сўнгги зарбадан кейин рақиб томон майдонга сочик ташлаб, мағлубиятни тан олишдан ўзга чорани тополмади.

Ўзбекистон байроғини елкасига ташлаб майдонга югуриб кирган устози Фахриддин Усмоновни Алишер даст кўтариб олди-да, рингни шиддат билан айлана бошлади. Юрт байроғи устознинг қўлирида мағрур ҳилпирарди!

Маҳмуд БҮРОН

### Семинар

## Божхона кодекси

янада такомиллашди

Олий ҳарбий божхона институтида "Янги тахрирдаги Божхона кодекси — божхона ишчи такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида кенгайтирилган семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ҳамда идора вакиллари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Хайруллаев мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини изчиллик билан ривожлантириш, ортқча бюрократик тўсиқ ҳамда қўлларнинг олдини олиш, соҳа вакиллари билан ҳамкорликни янада мустақиллаштиришга қўшимча эътироф этди.

Ингилишда сўз олганлар янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Эътироф этилганидек, янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад — Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашувига энг кўп кўмаклашувчи божхона назорати тизимини шакллантиришдир. Лойиҳанинг ижобий томонларидан бири шундаки, товарни олиб кириш ва олиб чиқишдан бошлаб, унинг тақдирини белгилашга қадар бутун экспорт-импорт занжирини комплекс тартибга солишни назарда тутди.

Амалдаги Божхона кодексидagi "Товарларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқиш" режими янги лойиҳада "Вақтинча

олиб кириш" ва "Вақтинча олиб чиқиш" режимлари сифатида алоҳида белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, янги "Ички истеъмол учун қайта ишлаш" божхона режими киритилди. Ушбу режимнинг алоҳида хусусияти шундаки, бунда Ўзбекистон Республикасига қайта ишлаш учун олиб кирилган хом-ашёларга божхона тўловлари қўлланилмаган ҳолда қайта ишлашга рухсат берилади, божхона тўловлари қайта ишланган маҳсулотлардан ундирилади. Бу, ўз навбатида, тайёр маҳсулот ўрнига хом-ашё олиб келиниб, республикамизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга кўмак беради.

Қайд этилганидек, энг муҳим янгиликлардан яна бири — божхона тўловларини таъминлаш усуллари қаторига божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини суғурталаш ҳамда учинчи шахсларнинг қафиллиги киритилмоқда. Бундан ташқари лойиҳага "Товарларни халқаро почта жўнатмаларида олиб ўтиш", "Валюта назорати", "Интеллектуал мулк объектларини божхона органлари томонидан ҳимоя қилиш", "Товарларни қувур транспортида ва электр узатиш линиялари бўйлаб олиб ўтиш", "Божхона экспертизаси" ва "Божхона иши соҳасида хабардор қилиш ва маслаҳат бериш" сингари бир қатор янги боғлар ҳам киритилган.

Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ўз муҳбиримиз

### Тадбир

## Қадриятларимиз намойиши

Анджоннинг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида "Либосларда қадриятлар акси" мавзусида тадбир ўтказилди. ЎзМТДП Избоскан ва Пахтаобод туман Кенгазлари ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 500 нафардан зиёд юртоқлиқлар иштирок этди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад — вилоятнинг турли ҳудудларига хос аъёна, қадриятлар, шунингдек, модаларимиздан қолган қадим либосларни тарғиб қилиш, аҳоли ва, айниқса, ёшлар орасида миллийликка бўлган ҳурмат-эътиборни оширишдан иборатдир. Уч йўналишда ўтказилган либослар намойишида Избоскан тумани вакиллари "Қадим модалардан қолган либослар", "Ўзбегимнинг тўй либослари" ва "Миллий-замонавий услубдаги шарқона либослар", пахтаободликларнинг эса "Болажонларимиз учун миллий кийим-кечаклар", "Ўқувчи ва талаба ёшлар либослари" ҳамда "Муассаса ходимлари хос либослар" коллекцияси томошайли либосларнинг энг сарасини олиб келди. Буларнинг бари қишлоқлардаги чевар қизларнинг қўли билан яратилган.

бегим, Увайсий, Зебунисо образи орқали саҳна кўринишлари мисолида талқин этилди. Адрасу кимхобдан тикилган миллий урфдаги қўйлак ва нимчалар, ўзига хос улғуворлик бахш этиб турган оқ ипак рўмоллар, аёллар зебу зийнатлари бўлмиш тиллақош, зебигардон, юксак маҳорат билан ишланган балдоқлар иштирокчиларни гўзаллик ва нафосат оламига етаклагандай бўлди.

Ҳар бир даврнинг либос, кийимини бобидаги урфи бўлади. Шу маънода, "Либосларда қадриятлар акси" тадбири ёшларимиз учун ҳам замонавий, ҳам миллий, асл шарқона либослар кўриги бўлди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг пахтаободлик фаоллари тадбирда намойиш этган болалар, мактаб ва коллежлар ўқувчилари ҳамда идора ходимлари учун мўлжалланган миллий, замонавий либосларни ҳам кўпчилиқда яхши таассурот қолдирди.

Избоскан тумани "Олтинсоз" халқ дастаси бадий ҳаваскорлари ижросидаги мумтоз куй-қўшиқлар, жозибдор рақслар тадбирга янада файз киритди.



Ширин БОЗОРОВА, ЎзМТДП Избоскан туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

—Тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида қўллаб ҳунармандлар билан ҳам учрашдик, фикрлашиб, маслаҳатлашдик. Натижада ушбу тадбирга энг чиройли миллий либослар танлаб олинди. Биз тарғиб этган миллий либосларнинг оммалашиб бориши учун ҳунарманд-тикувчилар билан бундан кейин ҳам яқин ҳамкорлик қилишни режа қилдик.

Замира РҮЗИЕВА, "Millyi tiklanish" муҳбири

## Бизнинг шарҳ

# ОБИ ҲАЁТ ҚАДРИ



шади. Биринчи тахмин — йирик шаҳарлардаги қашшоқлик ҳолати ва сув танқислиги, иккинчиси Африкадаги қурғоқчилик.

Ҳозирнинг ўзида 22 мегаполисида истиқомат қилувчи 10 млн.дан зиёд аҳоли ичимлик суви танқислиги ва оқова тизимлар етишмаслигидан азият чекмоқда. Бу борадаги мураккаб вазиятни Хитойда ҳам қўриш мумкин. Мазкур мамлакатдаги 600 шаҳардан 550 таси юқоридаги муаммога озми-кўлми дуч келган. Хиндистонда ҳам бу борадаги аҳвол хавас қилгудек эмас. Келажакда сувга бўлган талабнинг ошиби бориши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни озиқ-овқат муаммосини келтириб чиқаради. Ушбу муаммо инсонлар ўрта-сида табақаланиши янада кучайтириши мумкин. Шундоқ ҳам қашшоқлик ҳукм суриб, йилдан-йилга қурғоқчилик авж олаётган Африка қитъасидан миллионлаб муҳожирлар Европа ва Осиёга қараб йўл олишмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий муаммоларни, ирқий зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Кузатувчиларнинг фикрича, оби ҳаётнинг қадрига етиш борасида японларнинг ҳатти-ҳаракати эътиборлидир. Мамлакат ҳукумати томонидан бир неча йил давомида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ва жиддий ислохотлар, кенг қўламли лойиҳалар натижасида Кунчиқар юрда чучук сувга бўлган эҳтиёж мўътадиллашган. Бошқача айтганда, Япония пойтахти Токиода ўтган асрнинг 50-йилларида тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж ҳар бир кишига кунига қарий 400 литрга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 160 литрни ташкил этган.

Кузатувчиларнинг тахминича, келгуси 10 йилликда сувни қайта ишлаш бўйича Хитой етакчилиги қўлга олади. Бу ерда дунё сув истеъмоли бўйича янги тизим ишлаб чиқилади ва ичимлик сувининг танқислиги бутун дунё олимларининг диққат марказида бўлади. Шўр сувни чучуқлаштиришга миллиардлаб инвестиция ажратилади. Нефть ҳозирда қанчалик кўп соҳаларни қамраб олган бўлса, келажакда сув таъминоти ҳам катта индустрияга айланиши кутилмоқда.

Шунингдек, сувни чучуқлаштириш таннархи камаё боради. Сувни чучуқлаштириш учун сарф қилинган 1 доллар 5 доллардан 30 долларгача фойда

келтира бошлайди. Бу борада ҳам хитойлик мутахассислар олдинги ўринларда бўлиши кутилмоқда. Сувни тежаб ишлатиш бўйича янги ғоялар эгаларига оламшумул шухрат ва маблағ келтиради. Тахминларга кўра, сув таъминотини назорат қилиш давлатларнинг асосий ишларидан бирига айланади. Бу ҳозирча айрим олимларнинг тахминлари бўлиб туюлгани билан келажакда ана шундай муаммога дуч келишимиз мумкин. Шу боис сувнинг, яъни ердаги оби ҳаётнинг бир қатрасини ҳам увол қилмаслик, уни беҳуда нарсаларга сарфламаслик барчамаъиннинг зиммамаъинидаги улкан масъулиятдир.

Тоғларда ҳосил бўлиб оқиб келадиган дарё сувлари нисбатан соф бўлиб, деярли ифлосланмаган. Бироқ пастга оқиб боравергани сари сувнинг сифати кескин ёмонлашади. Қурғоқчил минтақаларда дарёлардан тўлиқ фойдаланилганда уларнинг суви етмай қолмоқда. 1980 йилларда бундай ҳолат Африка, Австралия, Италия, Испания, Мексика давлатлари, Нил, Сирдарё, Амударё ва баъзи бир бошқа дарёларда кузатила бошланди. Бугунги кунга келиб дарёларнинг сановат ва маиший захарли моддалар билан ифлосланиши ўсиб бормоқда. Сановат йилга 160 км. куб сановат оқова сувларини дарёларга ташлайди. Бу кўрсаткич дарёларнинг умумий сув миқдорининг 10 фоизи, баъзи ривожланган мамлакатларда 30 фоизни ташкил этади. Дарё тоза сувларида йилдан йилга ҳар хил эриган моддалар, захарли кимёвий моддалар ва бактерияларнинг миқдори ортиб бораётир.

Сув жаҳондаги энг танқис ва ҳисобли манбага айланди. Ҳозир ер юзидagi ҳар бир кимса қай йўл билан бўлса-да бу бойликдан тежамкорлик билан фойдаланиш устида бош қотирмоқда. Зеро, ҳеч қандай тирик организм сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Сув қишлоқ хўжалиги ва сановатдаги барча технология жараёнларнинг зарурий қисмидир. Ер юзининг қарий 3/4 қисмини ташкил қилади. Дарҳақиқат, сувнинг ўрнини бошқа ҳеч бир незмат боса олмайди. Аммо инсониятнинг бу борадаги эҳтиёжлари ва мавжуд захиралар ўртасидаги мутаносиблик аллақачон долзарб муаммо даражасига етганини ҳам унутиб бўлмайди.

Бехўд ИСКАНДАР

- **Ер шари аҳолисининг қарий 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Ҳар йили тоза ичимлик сувининг танқислиги туфайли 1,2 млн. киши турли хил хасталикларга дучор бўлади, 5 млн. киши эса ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмо қилишга мажбур.**
- **Маълумотларга кўра, янги асрда чучук сувдан фойдаланиш 7 марта ортаган.**

## Нефть омбори ёняпти

Ливия пойтахти Триполида жойлашган нефть омборида содир бўлган ёнғин назоратдан чиқиб кетган. Бу ҳақда баёнот берган нефть компанияси раҳбариятининг айтишича, сув захираси тамом бўлиб, ўт ўчирувчилар орқага чекинишга қарор қилишган.

Ҳукумат шаҳар аҳоли-сидан нефть омборига яқин жойлашган худудларни тарқ этишни сўрамоқда. Маълумотларга кўра, агар 90 миллион литр нефть портласа, унинг радиуси 5 километрга етиши мумкин экан. Ёнғин шанба кун кечқурун захиралардан бирига ракета тушиши оқибатида бошланган. Гап шундаки, омбор ҳозирда курашлар майдонига айланган халқаро аэропортга олиб борувчи автотрасса яқинида жойлашган. Эслатиб ўтаемиз, маҳаллий икки рақиб гуруҳ ўртасида Халқаро аэропорт учун бошланган курашлар икки ҳафтадан буён давом этмоқда.



## Нидерландияда эса сув балоси

Нидерландияда ноодатий сел оқибатида мамлакатнинг йўл тармоғи сув остида қолган. Бир неча автомагистраллар ёпилган.

Энг кўп зарар Жанубий Голландия провинцияси ҳиссасига тўғри келмоқда. Амстердамдаги Схипхол аэропортида бир неча соат мобайнида рейслар тўхтатиб турилган. Маҳаллий метеохизмат юқори хавфлилик даражасини эълон қилмоқда.

## Эболанинг Нигериядаги биринчи қурбони

Эбола безгаги энди Нигерияга ҳам ўтиши мумкин. Лагосдаги касалхонада 40 ёшли либериялик шу касалликдан вафот этган.

У Нигерия пойтахтига Монровиядан учиб келган эди. Икки кундан сўнг эса кўнгил айниши ва диарея шикоятини билан бемор касалхонага ётқизилган. У вафот этган касалхонада карантин ҳолати эълон қилинган ва муассаса фаолияти вақтинча тўхтатилган. Эбола эпидемияси Гвинеяда бошланиб, қўшни Сьерра-Леона ва Либерияга ўтган эди. Шу пайтгача вирус 672 кишининг ўлимига сабаб бўлди. Эбола безгаги тиббиёт ходимларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. КенЕма шаҳридаги безгакка қарши курашиш марказида бир неча шифокорлар касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Яна саккиз нафар вирусни юктириб олган. Либерияда маҳаллий эпидемиологнинг ўлими қайд этилган. Эболага чалинган икки нафар АҚШ фуқаросининг бири — Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шифокори.



## Югуринг, умрингиз узоқ бўлади!

Мунтазам равишда бор-йўғи бир неча дақиқа мобайнида аста-секин югуринг инсон умрини сезиларли узайтира экан. Америка кардиолог коллежи журналида эълон қилинган янги илмий тадқиқот натижалари буни тасдиқлади, деб хабар беради.

Олимларнинг аниқлашича, югуриш билан шуғулланидиган одамлар орасида яқин 15 йил мобайнида ўлим ҳолати умуман югурмайдиغان одамларникидан 30 фоизга кам экан. Юрак хуружи эҳтиёми эса югурмайдиغانлар орасида 45 фоизга кўп бўлиб чиққан. Бу натижалар кичик жисмоний машқларнинг инсон соғлиғига қанчалар катта фойда беришини исботлайди. Тадқиқотлар 18 ёшдан 100 ёшгача бўлган 55 минг нафар одам орасида ўтказилган. Олимлар иштирокчиларни 15 йилдан ортқ вақт мобайнида кузатганлар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, жисмоний машқлар — қўлпаб касалликларни олдини олиши, кечиб жараённи ўзгартириши мумкин бўлган энг яхши дори. Оддий жисмоний машқларни бажариш учун спортчи бўлиш, ортқча маблағ сарфлашнинг кераги йўқ. Бу кундалик турмуш тарзининг бир қисмига айланиши лозим.



Интернет хабарлари асосида Олимжон БУТАЕВОВ тайёрлади

нади. Залнинг бундай номланиши Каракала императори билан бевосита боғлиқ. Афсоналарга кўра, у исқандариялик ёшларни кўриқдан ўтказиб, сўнг уларни кириб юборишни буюрган. Бир сўз билан айтганда, Ком эл Шафақа ерости йўллариданги қабртошлар бир хилликдан ҳоли. Бу ерда мавжуд Миср дахмаларидан бири грекларга хос расм ва нақшлар билан безатилган. Ҳаттоки, унинг устида битиклар ҳам қадимги грек ва миср тилида битилган гувоҳ бўлиши мумкин. Иншоот ўзига хос мезморий ечим, аллақандай сирлили ва ҳашамдорликка эга. Бундай мўъжизани гарчи еростида бўлса-да кўриш инсониятни қадим аждодлар санъати, маданияти ва тарихидан воқиф этиши шубҳасиз.

Зафар МУҲАММАД



## Рангин дунё

# Ком эл Шафақа — ўрта аср мўъжизаси

**Исқандария шаҳри Миср шимоли, Ўрта ер денгизи соҳили, Нил дарёси дельтасининг қарбий қисмида жойлашган. Птоломейлар сулоласи ҳукмронлиги даврида бунёд этилган шаҳар қадимги дунёнинг энг йирик иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири эди.**

Ортқча зеб-зийнат ва ҳашамдорликдан холи ерости йўллари Исқандариядаги энг улкан ёдгорлик бўлибгина қолмай, бир йўла уч маданият — қадимги грек, рим ва миср архитектураси анъаналарини ўзида жамлаган. Иншоот зилзила ва янги қурилишлар натижасида инсоният кўзидан гойиб бўлишга ҳам улгурди. Орадан бир неча асрлар ўтиб, Ком эл Шафақа оддий тасодиф туфайли қайта топилди. Ҳозирги кунда ерости йўлларида қадимги айлана зинапоя орқали ўтиш мумкин. Бироқ, оқова сувларнинг тўпланиб қолиши натижасида унинг энг кўйи қисмига кириб бўлмайди.

Ком эл Шафақа аввалбошданок дафн қилиш жойи бўлиб келган. Бу ерга тобутлар спирал шаклдаги зиналардан арқон ёрдамида туширилган. Зиналарнинг тугаш жойида дахлиз бўлиб, у ерда чиганоксимон гумбаз остидаги деворга ўйиб ишланган иккита ўриндик мавжуд. Олти устунли марказий йўлак бўлиб ўйиб борилган ротонда (доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино) дахлиз билан қўшилиб кетган. Чап томонда зиёфат ўтказиладиган зал бўлиб, шу



ернинг ўзида марҳумларнинг дўсти биродарлари, оила аъзолари тош ўриндикларда ўтирқон унинг руҳига атаб маросим ўтказишган. Олимларнинг фикрича, ушбу ерости йўлларидаги қабристонлар аввалига бир оила вақиллари, кейинчалик барча учун хизмат қилган. Қизғини шундаки, бу ердан жой олиш учун доира алоҳида бож тўланган ва у маҳсус уюшма томонидан бошқариб турилган. Буни тошдан ўйилган бўш хоналарнинг ни

ҳоятда кўплиги ҳам исботлайди. Ерости йўлларидаги деворларига ортқча зеб берилмаган. Ягона безак — ўймакорлик намуналарини мотамхона ва тоатхона деворида учратиш мумкин. Деворда қадимги Миср асотирлари асосидаги дафн маросими акс эттирилган. Айлана залдан пастки зинапоя орқали кўрқинчи ва айни пайтда хайратланарли хайкалтарошлик намуналарига бой иккинчи қаватга ўтилади. Дахлиздаги икки устун — қадимги Миср

папируси, нилуфар ва айқтовон баргларининг нақшлари билан безалган. Устунларнинг том билан бирлашган қисмида турган иккита лочин ёнма-ён турган ҳолда тасвирланган. Шунингдек, деворда номалум бир эркак ва аёлнинг тошга ўйилган хайкали ҳам кўзга ташланади. Эркак кишининг гавдаси қадимги Миср хайкалтарошлиғига хос қатъият, вазмин бир қиёфада акс эттирилган бўлса, аёл, айниқса, унинг соч турма-ғайимликлари хос услубда бажарилган. Хона деворларига ёнма-ён қилиб қопқоқлари кўтариб қўйилган учта тош тобут ўрнатилган. Археологларнинг ҳисоблашича, жасад бу каби тош тобутларнинг орқа қисмидан туриб киритилган. Марказий дафн хонасидан сўнг, 91 та тош ичига ўйилган алоҳида хоналарга дуч келинади. Уларнинг ҳар бирига учтадан тобут жойлаштирилган. Ерости йўлларидаги биринчи қаватига қайтган, айлана зал орқали алоҳида ерости қабристонига чиқилади. Унинг қурилиши иншоот мезморларининг лойиҳасига кирмаган. Асосан от ва одамларнинг суяк қолдиқлари кўмилган бу жой "Каракала зали" деб номла-

Депрессияни енгса бўлади

Сурункали толиқиш, ҳаддан зиёд гам-гуссага берилиш депрессияга сабаб бўлиши мумкин. Депрессия ёхуд руҳий тушкунликнинг аломатлари шуки, бемор гамгин кўринади, иштаҳаси бўлмай тез озади, юрак уриши ва қон босимиди ўзгаришлар кузатилади, боши оғрийд, қабзиятдан қийналади, териси қурийд ёки кўп терлайдиган бўлиб қолади.



Депрессиянинг баъзи турларида бемор ўзини иродасизликда айблайди, касалликка, азоб-уқубатларга дучор бўлдим, оилам учун керагим бўлмай қолди, деган ўй-хаёлларга боради. Табиийки, бу каби ҳолатлар организмнинг модал алмашинувини бузади ва эндокрин касалликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Руҳий тушкунликни дори-дармон билан даволаш энг сўнгги чорадир. Бироқ, куйида берилган оддий маслаҳатларга амал қилинса депрессиядан осонгина халос бўлиш мумкин. Аввало, уйда, кўчада ва иш жойингизда соғлом руҳий муҳитни яратишга эътибор беринг. Кимгадир яхшилик қилиш истаги ва ўзгаларга қувонч улашиш инсон умрини узайтиради. Қолаверса, ҳар қандай гинакудуратни унутиш, кек сақламаслик, эҳтиросларни тия билиш асаб тизимини мустаҳкамлайди. Ортиқча хис-ҳаяжон ва нафси жилволаш, тарбиялаб бориш лозим. Ёқимли мусиқа ёмон кайфият ва чарқок хиссини йўқотишга ёрдам беради. Самимий кулгу ва табассум бош мия қон томирлари орқали ўтадиган қон миқдорини ошириб, мия тўқимасини кислотароқ билан таъминлайди. Ҳар куни камиди 7-8 соат тўғри ухланг. Эрталаб одатдагидан 10 дақиқа олдин туришга, тўғри овқатланишга эътибор беринг ва ҳўл меваларни иложи борира кўпроқ истеъмол қилишга одатланинг. Бугунги ишни эртага қўйманг, бу стрессни қақиради. Зерикарили, ҳаётдан ҳамиша нолийдиган инсонлардан йироқ юрган маъқул. Бир сўз билан айтганда, ниятни яхши қилинг, фикру зикрингиз эзгуликлар билан банд бўлсин.

БИЛАСИЗМИ?


Футбол ўйинчиси бир ўйинда ўртача 11 километр югуради.

Илк инглиз луғати 1755 йили тузилган.

ТУРФА ОЛАМ

Ақлли билагузук

ХАШАМДОРЛИҚДАН АНЧА ЙИРОҚ PAVLOK БИЛАГУЗУГИ ИНСОННИ ТАРТИБ-ҚОИДАГА ЧАҚИРАДИ.



Мослама "қулоқсиз" ҳўжайинини шунчаки оғохлантириш билан чекланиб қолмайди. Вақтида уйғонишни ёки спортзалга боришни хоҳламаётганингизни сезган билагузук танангизга қуқсиз тоқ юбориш орқали барибир айтганини қилдиради. - Ақлли билагузук ҳар куни эрталабки соат 6.00 да эгасини уйғотади. Истаган киши уйғониш вақтини ўзгартириб олиши мумкин. Бироқ, туриш вақти икки мартабадан кўп ўзгартирилса, билагузук сизни тоқ билан сийлаши аниқ, - дейди мослама муаллифи Маниш Сети. Манбада келтирилишича, ақлли билагузукнинг намунавий нусхаси жорий йил кузида Краудфандинг платформаси асосида тайёрланади. Агарда билагузук синодан муваффақиятли ўтса, Pavlok 2015 йилдан бошлаб сотувга чиқарилади.

Кулдорлик тарихи музейи

АФРИКАЛИК КУЛЛАРНИ ИЛК БОР АМЕРИКАГА ТАНИШТИРГАН ЧАРЛСТОН БАНДАРГОҲИ (ЖАНУБИЙ КАРОЛИНА, АКШ) ХУДУДИДА КУЛДОРЛИК ДАВРИГА ОИД МУЗЕЙ БУНЁД ЭТИЛАДИ.



Музей африкалик куллар тарихи ҳамда Шимолий Америкадаги кулдорликка қарши озодлик ҳаракати ҳақида ҳўқоқ қилиши кутилмоқда. Тахминан 4000 квадрат метр майдонни эгаллайдиган музей Гадден кемалар тўхташ жойини эгаллайди. Маълумотларга кўра, африкалик куллар ортилган дастлабки майдан шундай арқон ташлаган. XIX асрга қадар кулларнинг деярли тенг ярми Жанубий Каролина бандаргоҳи орқали Америкага кириб келган. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг таъкидлашича, ушбу музей АКШдаги мавзуга оид диққатга сазовор музейлар қаторидан жой олади. Янги музейнинг дизайни ва экспозицияси устида Вашингтондаги ҳолоқот мемориал музейи муаллифларидан бири Ральф Анпельбаум ишлаши кутилмоқда.

Шоқосим ШОПЎЛТАОВ тайёрлади



Эътироф

Миллий гурур, ифтихор ва қувонч нашидаси

лар қатори спорт соҳасида ҳам катта шўхрат қозонмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари йўлида хизмат қилмоқда. Айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънан етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор, гамхўрликнинг чек-чегараси йўқ. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида дунё тамаддунига ўзининг муносиб хиссасини қўшган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби буюқ аждодларимизнинг бебаҳо меросидан баҳра ола бошладик. Зеро, улар бугунги авлодлар тафаккури, онгу шурида, хислатларию фазилатларида яққол намоён бўлмоқда.



(Ў.А) оёқини суради.

— Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорчилик изхор этаман. Бундай эътибор ва гамхўрлик келгусида янада юксак марралар сари рағбатлантиради, - дейди Равшан Эрматов. — Жаҳон чемпионатида биз буюқ алломаларга бешик бўлган юрт фарзандлари эканимизни, ҳеч кимдан кам бўлмай улар изидан боришимизни исботлашни мақсад қилгандик ва бу эзгу мақсадимизга етишганимиздан хурсандимиз. Учрашувларда томошабинлар қаторида ўзбек муҳлисларининг ишончини оқлаш масъулиятини бизга катта куч-ғайрат бағишлади.

да яхши билишади. Кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, футбол ўйинларини адолатли бошқариш, тўғри ва тез қарор қабул қила олиш фазилатлари билан хўрмат қозонган Р. Эрматов 2003 йилдан буён ФИФА таснифидидаги мусобақаларда рефертилик қилиб келди. Жумладан, 2007 ҳамда 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари, 2010 йилги жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили ХХХ ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтказилган конфедерациялар кубоги баҳсларида ҳакамлик қилгани фикримиз тасдиқидир. Эрматов йигирманчи жаҳон чемпионати-

Бугун бутун дунёда Равшан Эрматовни ўз ишининг устаси, тажрибали мутахассис сифати-

Ўз муҳбиримиз

Кўргазма

Бой маданий меросимиз

юрт тарихидан сўзлайди

Пойтахтдаги халқаро маданият қарвонсаройида "VI-VIII асрларда Қаршувултепанинг маданий мероси" деб номланган кўргазма очилди.

Карвонсаройнинг музей бўлимида сақлаб келинаётган археологик топилмалар кўргазма асосини ташкил этган. Қаршувултепа ёдгорлик мажмуаси Чиноз шаҳридан 14 километр узоқда, "Дўстлик" фермер хўжалигида жойлашган. Мажмуанинг жануб томони қадимги Парак, яъни Чирчиқ дарёсига туташган. Бу ердан топилган топилмалар эрамининг VI-VIII асрларида Қаршувултепа аҳолиси ҳаётини воқиф этади. Туя, от ва йиртқичлар тасвирланган тангалар, металл найзанинг учи, несториан ички чормиш ва чормиш туткичи сопол кўзача, қадимги тошлардан ясалган маржонлар, судг тилида "Баго-фарн" ёзув битилган кўлаб топилмалар илмий доиралар қизиқшини уйғотди. Топилмалар бу шаҳарда бир пайтлар диний бағрикенглик кенг қулоч ёйганидан дарак беради.


— Ёдгорлик мажмуасида олиб борилган бу йилги қазимша ишлари чоғида аниқланган топилмалар мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, - дейди халқаро маданият қарвонсаройи музей бўлими мудири, археолог Константин Шейко. — Уларни келгуси кўргазмаларда намоийишга қўймоқчимиз.

Мавзунинг мазмун-моҳияти, илмий-тарбиявий аҳамиятига бағишланган давра суҳбати кўргазма ишини янада жонлантди. Унда К.Шейконинг "Қаршувултепадаги қазимша ишлари ҳақида", халқаро қарвонсарой бош илмий ходими, тарих фанлари номзоди, археолог Савчук Қурбоннинг "Антик ва ўрта асрлардан олдинги Ўзбекистон ҳудудидаги тарих ҳақида"ги маърузаси йилгиланларни беъэтибор қолдирмади.

Бундан ташқари, кўргазма экспозициясидан Қаршувултепада ташкил этилган маҳорат дарслари, талабаларнинг амалиётлари акс этган фотосуратлар учун ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Туризм



Истиқболи нурли манзил

мустақиллик туфайли тобора чирой очиб бораётган Навоий вилоятида сайёҳлик бизнеси ривож топмоқда

Туризм кўлаб мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалишида муҳим омили саналади. Кейинги йилларда мазкур соҳа истиқболга қаратилаётган катта эътибор боис, юртимизнинг сайёҳлик имкониятлари янада кенгаймоқда. Воҳага ташриф буюраётган хорижий меҳмонлар сонини ҳам йил сайини ортапти. Бунинг биринчи Навоий вилояти мисолида оладиган бўлса, ўтган 2013 йилда ҳудуддаги туризм объектларини 6470 нафар сайёҳ зиёрат қилган. Уларга жами 1,5 миллиард сўмлик туристик хизматлар кўрсатилган.

"Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари ҳамда халқаро меъёрлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятда 14 та меҳ-

монхона туризм лицензияси асосида фаолият кўрсатади. Шулардан бири вилоятнинг Қонимех туманидаги Сарибел ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Qizilqum-Safari" номли ўтов-лагеридир. Бу турбаза жорий йилнинг апрель ойида 316 та хорижий сайёҳларни қабул қилган бўлса, май ойига келиб Испания, Италия, Франция, Англия, Германия каби давлатлардан ташриф буюрган 548 нафар сайёҳга малакали хизмат кўрсатади.

Худуднинг ўзига хос табиат манзараси, экотуризм талабларига тўлиқ жавоб бериши сайёҳлар оқимининг тобора ортиб боришида муҳим омили бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, ўтган "Обод турмуш йили"да туманининг Сентобсой қишлоғида "Sentob-Shaxi Mustafu", "Sentobiston" ҳамда "Sentob-tag'i jar" сайёҳлик меҳмонхоналари ишга туширилди. Жаҳон андозларига тўлиқ жавоб бера оладиган мазкур иншоотларга сайёҳлар учун сауна, бассейн, массажа, фитнес клуб, сартарошхона, интернет хизмати каби барча қулайликлар муҳайё этилган.

Юртимиз маданияти, маънавияти ва қадриятларидан баҳраманд бўлиш истагида келган меҳмонларга малакали туристик хизмат кўрсатиш мақсадида вилоятимизнинг Тўдақул сув ҳавзаси ҳудудида 300 ўринга мўлжалланган яна

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Мўхаммадқон ҚУРОНОВ, Фабуллоҳ МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Аҳтам ТУРСУНОВ, Рўстам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмаил ХУДОЕВ  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида теория ва саҳифаланди  
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими (факс): 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими 234-86-41, Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буортма — Г 727, Адади — 6510. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
Навбатчи муҳаррир: Камолиддин ХОТАМОВ  
Навбатчи: Тўмарис АЪЗАМ  
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ  
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru  
Босишга топшириш вақти — 21.30.  
Топширилди — 21.50.  
ISSN 2010-7714